Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 188 (20. 455) • 1989 йил 15 август сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

● Нишон районидаги С. Альенде номли совхоз чорвадорлари давлатга сут сотиш тўққиз ойлик мажбуриятини ортиғи билан бажардилар. Планга қўшимча 20 тоннадан зиёд сут аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

Эришган бу муваффақиятда М. Ҳайдарова, У. Мустафоева, У Қўлдошева каби пешқадам соғувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳўжаликда қишлов учун ем-хашак тайёрлаш ҳам қизғин боряпти. 3 минг тонна пичан жамғарилиб, йиллик план муддатидан илгари адо этилди.

И. РУСТАМОВ.

Дунё овози

ЧССРда М. С. Горбачев асарларининг икки томи нашр этилди

Чехословакиянинг «Свобода» нашриётида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг 1967—1985 йилларни қамраб олган нутқлари ва мақолаларининг дастлабки икки томи босмадан чиқди.

«Руде право» газетасида «Принципиал ўзгаришлар йўлидан» деган сарлавҳа остида эълон қилинган мақола ана шу воқеага бағишланган. Мақола муаллифи, ЧКП Марказий Комитети секретариати аъзоси, газетанинг бош редактори З. Горжени М. С. Горбачевнинг шаҳар ва ўлка даражасидаги партия ходимлигидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва Совет Иттифоқининг раҳбари, жаҳон миқёсидаги сиёсий арбобликкача босиб ўтган йўлини таҳлил қилган.

1967—1985 йиллардаги нутқлар ва мақолаларнинг мазмуни шундан далолат бериб турибдики, деб таъкидланади мақолада, М. С. Горбачев фикрловчи, масъул инсон, жуда кўп ҳаётий фактлар орасидан янгилик нишоналарини, тараққиёт тенденцияларини ҳозирги кундан келажакка олиб борувчи йўлларни, инсон ва жамиятнинг янги социал сифатларига ўтиш йўлларини ҳалоллик билан қидираётган сиймо сифатида намоён бўлади.

Эълон қилинган материаллар КПСС совет халқининг бутун ҳаётини қайта қуриш сари муқаррар олиб келган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг йўли тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатлардир, деб таъкидланди мақолада. Бу материаллар янгича сиёсий фикрлашнинг юзага келиши, ўз хулосаларида реал тарихий воқеликни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишга суянаётган марксча-ленинча диалектикадан ижодий фойдаланиш тўғрисида ҳикоя қилади.

(ТАСС).

Халқ ишончи йўқолмоқда

● САН-ФРАНЦИСКО

Кўп америкаликлар Америка Қўшма Штатларида ҳокимиятнинг ҳам маҳаллий, ҳам федерал органларида расмий лавозимларни эгаллаб турган ҳозирги сиёсий арбоблар ва мансабдор шахсларнинг маънавий ҳамда ахлоқий фазилатлари ҳақида унчалик яхши фикрда эмаслар.

Мамлакатдаги энг катта Калифорния штатида Филда тадқиқот институти ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари ана шундай муносабатни аниқлаб берди.

Савол-жавобда қатнашган кишилар 2:1 нисбатда ҳозирги сиёсатчилар унчалик ҳалол эмас ва ўн-ўн беш йиллар илгаригига қарағанда ахлоқий нормаларга камроқ риоя этаётганликларини айтишди. Саволга жавоб берганларнинг 42 проценти уларнинг виждонлилигига ишонмасликларини очиқ айтдилар. Бунда калифорнияликларнинг аксарият кўпчилиги иккита энг катта сиёсий партия — Республикачилар ва Демократлар партиялари вакиллари орасида катта фарқ кўрмаяптилар.

Далиллар фош этади

● ТОКИО

Милитаристик Япония Улуғ Ватан урушн чоғида заҳарловчи газ ишлаб чиқарганн ва уни Хитой территориясида ишлатгани тўғрисида икки япон тарихчиси — профессорлар Кентаро Авана ва Иосиваки Иосимиларнинг бу ерда нашр этилган китобида янги ҳужжатли далиллар тўпланган.

562 саҳифали тўпламда олимлар сўнгги беш йил мобайнида жаҳондаги бир қанча мамлакатлар, шу жумладан АҚШ, Австралия ва Хитой архивларида бирма-бир тўпланган асл ҳужжатларнинг текстлари келтирилган. Собиқ император армиясининг уруш йилларидаги «мутлақо маҳфий» деб белги қўйилган 16 та ҳужжати, айниқса катта аҳамиятга эга. Эндигина нашр қилинган бу китобда муаллифларнинг Япония территориясида ана шу ҳарбий заҳарловчи газлар қаерда ишлаб чиқарилганлиги, улардан Хитойда қандай қилиб ва қаерда фойдаланилганлиги тўғрисида тасаввур берувчи батафсил шарҳлари борлиги ҳам қизиқиш уйғотади.

Кўргазмага ҳозирлик

● МАНИЛА

Филиппин Совет Иттифоқининг Узоқ Шарқдаги Находка шаҳрида савдо кўргазмасини ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.

Унда енгил саноат молларининг жуда кўп турлари бўлади, деди Филиппин саноат ва савдо министрининг ўринбосари Рауль Бонкан бу ерда. Кўргазма 11 сентябрдан 15 сентябргача бўлади ва шу йилнинг март ойида Филиппин саноат ва савдо министри Хосе Консепсьоннинг Москвага визити чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари юзасидан имзоланган ҳужжатга мувофиқ Филиппин халқаро савдо бирлашмаси томонидан ташкил этилади.

(ТАСС).

МАРДОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

● Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ж. Рустамов бошлиқ бўлимн пахтакорлари мардонавор меҳнатларининг дастлабки самарасини кўриб қувоимоқдалар.

Улар деҳқончилик қилаётган 492 гектар пахта майдонидаги ғўзанинг ҳар тупида 1—2 тадан кўсак очилди. Ленин номли совхознинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Т. Юнусова бошлиқ бригадаси далаларида ҳам лўппи чаноқлар кўзга ташланиб қолди. Бу коллективлар янги ҳосилни саралаб теришга ҳозирлик кўришаётир.

— Бу йил, — дейди район партия комитетининг биринчи котиби М. Исмоилова, — 7 минг гектардан ортиқроқ майдонда чигит қайта экилди. Шунга қарамай, пахтакорлар ғўза ривожини тезлатиш учун катта ҳаракат қилишди. Натижада ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиляпти. Районнинг 53 минг тонналик хирмонини бунёд қилиш имкониятига эгамиз. 80 фоиз ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб оламиз. Бунинг учун 423 та теримчи агрегати тахт қилиб қўйилди.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.





ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЖАМИЯТ

● КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

● ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

● МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ МАСЛАҲАТИ БИЛАН

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Меҳнат коллективи кенгаши нималарга қодир? Бу саволга Наманган шойи газламалар бирлашмаси коллективида фақат бир хил жавоб олиш мумкин: «У кўп нарсага қодир!» Чунки бундан бор-йўғи бир яриm йил аввал ташкил этилган бу коллектив кўпгина муҳим масалаларни амалга оширишда иштирок этди. Булардан бири бош корхонани реконструкция қилиш, унинг устини ёпиш ишларидир.

Бу ерда «Тезкор» кооперативи тузилди. Коллектив аъзолари жорий ва капитал ремонт ишларини амалга оширади. Кооператив бор-йўғи икки ой ичида тўқимачилар яшайдиган 9 та уйдаги иситиш системаларини ремонтдан чиқарди. Ҳозир болалар боғчаларида ремонт ишлари жадал олиб борилаяпти. Шунингдек саунали дам олиш хонаси бунёд этилди. Корхона ёрдамчи хўжалиги учун сабзавот омбори, тўқимачилар массивида Наманган районидаги Ленин номли колхозда етиштирилган сабзавот ва меваларни сотиш учун павильон қурилди. Хўжалик шартномага асосан корхона ишчиларига маҳсулот етказиб бермоқда.

— Аввалларн муҳим муаммолар тор доирада ҳал қилинарди, — дейди бирлашма директори Т. Жўраев. — Энди эса ишчиларнинг ўзлари кўп нарсани ҳал қилмоқдалар. Ҳа, ҳозирги ишчининг гражданлик активлиги, ўз меҳнатининг пировард натижасига қизиқиши, бир сўз билан айтганда, ўзини-ўзи бошқаришга интилиши кучайиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Тезкор» кооперативи аъзолари В. Бешкарев (чапда) билан Х. Мақсудов болалар боғчасида иситиш системасини ремонт қилишяпти. 2. Меҳнат коллективи кенгашн раиси, Наманган область партия комитетининг аъзоси, область Советининг депутати Раиса Баранова. 3. Павильон сотувчиси Аҳмаджон Жўраев бирлашма ишчиларига турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таклиф этмоқда.

А. КОВТУН суратлари (ЎзТАГ).

«ҲОСИЛ — 89»: «ДАЛА — РЕДАКЦИЯ» ТЕЛЕФОН ЛИНИЯСИДА

МУВАФФАҚИЯТНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

Республикамиз далаларида кузда яратилажак улкан «оқ олтин» хирмонларимиз тақдири ҳал бўлмоқда.

Мухбиримиз Қорақалпоғистон автоном республикасидаги илғор хўжаликлардан бири — Элликқалъа районидаги «Қирқкизобод» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Олимовга қўнғироқ қилиб, шу кунларда олиб борилаётган ишлар ва эътибор берилиши лозим бўлган юмушлар ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Одатда деҳқончиликнинг муваффақияти асосан об-ҳавога боғлиқ, дейишади. Бир томондан, бу гапда жон бор. Лекин деҳқон омилкор бўлмаса, об-ҳаво қулай келганда ҳам мўлжалдаги ҳосилни ололмай қолиши мумкин. Бунга 1988 йилни мисол қилиб келтирса бўлади. Чунки ўтган йили табиат ноқулайликлари юз бермаган бўлсада, қанчадан-қанча бригадалар, колхоз ва совхозлар планларини бажара олмадилар. Деман, мўл ҳосил етиштириш асосан одамларга, уларнинг тажрибаси, омилкорлигига боғлиқ.

Бу йил бизнинг режаларимиз катта. Мақсадимиз — давлатга 5300 тонна «оқ олтин» етказиб бериш. Шу ниятда эрта баҳорда барча майдонларга қисқа муддатда чигит экиб олдик. Лекин апрель ойининг охирларида бўлиб ўтган совуқ эндигина униб чиққан ғўзаларга анчагина зиён етказди. Дарҳол миришкор деҳқонлардан иборат махсус комиссия тузиб, етказилган зарар ҳажми аниқланди. Бундан буён бажариладиган ишлар бўйича конкрет тадбирлар белгилаб олинди.

Ғўзаси қаттиқ зарарланган бир қисм майдонга тез орада қайтадан чигит экиб олдик. Очиғини айтганда, бу йил кўкламнинг салқин келиши ўсимлик ривожига таъсир этмай қолмади. Боз устига бузиб экилган майдонларда ҳосилнинг етилиши орқага сурилиб кетиши турган гап эди.

Шуларни ҳисобга олиб, парваришни кучайтиришга келишиб олдик. Тупроқни қиздириш, ўсимликнинг озиқ моддалардан етарли таъминланишига эришиш мақсадида маҳаллий ўғитга зўр берилди. Аввалига ҳар бир культивация олдидан ғўзани маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирдик. Ҳозир эса «шарбат» оқизишга эътибор берилмоқда.

Шу йўл билан ғўза ривожидаги қолоқликни тугатиб олишга муваффақ бўлиндн. Ҳозир ҳамма пайкалларимиздаги ўсимлик мўл ҳосил тўпламоқда. Ҳар бир туп ғўзада ўртача 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор. Эндиги вазифа — мавжуд ҳосилни тўла сақлаб, эрта очилишига эришиш билан бирга ҳар бир тупда яна 3—4 тадан кўсак бунёд этишдир.

Шу мақсадда парваришни бўшаштирмаган ҳолда муҳим тадбир ҳисобланган чеканкани тез ва соз ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозиргача барча майдонлардаги ғўзаларнинг юқори ўсув шохлари механизмлар ёрдамида бир маротаба чилпиб чиқилди. Айни кунларда одамлар ўсимликнинг ён шохларини чеканка қилишмоқда. Шу билан бир қаторда бегона ўтларни батамом йўқотиб кетишяпти.

Чеканкани ўз вақтида ўтказиш ва далаларнинг бегона ўтдан ҳоли бўлиши хосияти катта. Чеканкадан сўнг ғўза ҳосил тўплайди. Бегона ўт бўлмаган пайкалларда эса терим техникасининг унумли ишлаши, пахтанинг тез ва сифатли териб олиниши таъминланади.

Юқорида айтганимдек, бу йилги шароитда пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олинишида техника муҳим роль ўйнаши мумкин. Биз шуни назарда тутиб, барча «занғори кема»лар, кўрак терадиган ва чувийдиган агрегатлар, транспорт тракторлари, прицепларни яқин кунлар ичида тўла созлаб қўйиш учун барча чора-тадбирларни кўряпмиз. Механизаторларни ўқитиш, малакасини ошириш бошлаб юборилди.

Ўтган йили ялпи ҳосилнинг 65 процентини техника ёрдамида саранжомлаб, ҳар бир машина билан ўртача 172 тоннадан пахта териб олган эдик. Бу йил агрегатлар унумдорлигини 200 тоннага етказиб, 70 процентдан зиёд ҳосилни «пўлат этак»лардан тўкишни мўлжалляпмиз.

Муваффақиятнинг ўзи келмаслигини яхши биламиз. Шу сабабли ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик кўрсатиб партия, халқ олдида берган ваъдамизни албатта бажаришга ҳаракат қилаверамиз.

Телефонда «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири К. РИХСИЕВ навбатчилик қилди.



КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорлари — ҳаётга!

ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Райком ҳалигача бирор марта партия активи йиғилишига бунчалик пухта тайёргарлик билан келмаган эди. Буни эса кўрилаётган масаланинг долзарблиги тақозо этарди. Сирасини айтганда, актив муҳокамасига тақдим этиладиган «КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ва районда Озиқ-овқат программасини бажариш бўйича 1989—1990 йилларга мўлжалланган вазифалар» юзасидан тадбирларни ишлаб чиқишда сайлаб қўйилган барча активлар қатнашди, десак муболаға бўлмайди.

Актив йиғилиши ўтказиш мўлжалланган кундан деярли бир ой олдин райкомнинг биринчи секретари раҳбарлигида тайёргарлик комиссияси тузилди. Унга райкомнинг бюро аъзолари, партия комитетининг социал-иқтисодий комиссияси ва агросаноат комплекси касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилди.

Комиссия ишни меҳнат коллективларидан бошлади. Дала шийпонлари, фермалар, машина-трактор парклари ва бошқа жойларда меҳнаткашлар билан бўлиб ўтган жонли мулоқот жараёнида озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан кишиларнинг фикр-мулоҳазалари, конкрет таклифлари диққат билан эшитилди. «Шофиркон ҳақиқати» район газетаси орқали бўлажак актив йиғилиши тўғрисида ахборот берилиб, газетхонлардан кун тартибига қўйиладиган масала юзасидан конкрет фикр-мулоҳазали таклифлар айтиш сўралди.

Орадан кўп ўтмай танқидий мулоҳазалар, амалий иш бўйича таклифлар туша бошлади. Уларни чуқур ўрганиш ва тўла умумлаштириш натижасида яхшигина тадбирлар лойиҳаси вужудга келди. Партия-хўжалик активи йиғилиши лойиҳани яхши қабул қилди. Бироқ қизғин муҳокама жараёнида унда кўзда тутилмаган муаммолар ҳам юзага чиқиб қолди. Чунончи, «СССР 60 йиллиги» совхози бошланғич партия ташкилотининг секретари О. Тўраев муҳим таклифни ўртага ташлади.

— Бир килограмм асал, — деди у, — 20 та тухум, 13 литр сут ёки 12,5 килограмм гўшт қувватини беради. Биз эса шундай муҳим соҳани ривожлантиришга кам эътибор бермоқдамиз.

Нотиқ совхоз ишчиларининг етиштирилаётган маҳсулот ҳажми ва сифатидан манфаатдорлигини ошириш лозимлигини уқтирди. Унинг таъкидлашича кўра, асал етиштиришнинг оғир меҳнатини деҳқон қилиб, самарасини савдо ташкилотлари ўзлаштирмоқда. Совхоз етиштираётган асални экспорт қилишдан олинадиган валюта ёки тақчил истеъмол молларининг бир қисми хўжалик ишчилари билан баҳам кўрилиши керак. Шунингдек, нотиқ районда асаларичиларнинг кўнгилли жамиятини тузиш, аҳоли шахсий хўжаликларида асаларичиликни янада ривожлантиришдан келадиган самарани таҳлил қилиб берди. Бундай таклифлардан тўққизтасини тадбирлар лойиҳасига киритиб, конкрет ижрочиларни белгиладик.

Айни маҳалда партия ташкилоти активда қабул қилинган тадбирларни ҳаётга татбиқ этишга амалий тарзда киришган. Дастлабки натижаёқ бунинг фойдасини кўрсатиб турибди. Давлатга сут сотиш ярим йиллик плани 120 процент, тухум 104 процент қилиб уддаланди. Давлатга гўшт сотиш планини ҳам кўп йиллик танаффусдан кейин илк бор бажардик.

Белгиланган тадбирларга кўра, дастлаб чорва озуқаси етиштириш учун ташкил қилинган «Партия XXVII съезди» совхозини бўрдоқичиликка ихтисослаштиришга киришилди. Ҳозир 2100 бош қорамол 430—450 килограмм тирик вазн билан гўштга топширилмоқда.

Район хўжаликларида бедазорларнинг булғутрига нисбатан 2 минг гектарга кўпайтирилгани ва уларнинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига ўн процент оширилгани айниқса чорвачиликни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Агар ўтган йили район бўйича ҳар бош қорамол 310 килограмм тирик вазн билан гўштга топширилган бўлса, ҳозир 380 килограммга етказиб топширилмоқда. Шу йил охиригача бу кўрсаткични 430 килограммга етказиш ниятимиз бор.

Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида ижара пудратини кенг жорий этиш, деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг таъсирчан чоралари кўрилмоқда. Район активи ҳозирданоқ аҳоли томорқа майдонини кенгайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишга киришган. Аҳоли учун қўшимча томорқа майдонларини хўжаликнинг яхлит массивларидан ажратиш ва унга ишлов беришни марказлаштирилган тарзда олиб бориб кишиларга енгилликлар яратишни режалаштирмоқдамиз. Ҳозир районда сутнинг 14, гўштнинг атиги 8 проценти шахсий хўжаликларда етиштириладиган қаноатланарли эмас.

Актив йиғилишида ўртага қўйилган муҳим масалалардан яна бири районда меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш кучлари ўртасидаги номутаносибликдир. Яқин келажакда районимиз аҳолиси юз минг кишига етади. Аммо меҳнатга лаёқатли кишиларнинг деярли ўн процентн ҳозирданоқ четдан иш излашга мажбур бўляпти. Ваҳолонки, ўз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш катта моддий ресурсларни талаб қилмайди.

Жумладан, биз Чандир пахта қабул пунктини бевосита заводга кўчириб, бўшаган биноларга мева қуритиш заводини жойлаштиришни режалаштиряпмиз. Бунинг учун на қўшимча ишлаб чиқариш бинолари ва на социал объектларни қуришга ҳожат бўлмайди. Чунки қабул пункти зарур биноларга ҳам, тош-тарозига ҳам, қуритиш майдончаларига ҳам эга. Яна бир афзаллик — у аҳоли яшаш жойига яқин.

Албатта, биз юқоридан ёрдам кутиб ўтирмай, муаммоларни ҳал қилиш учун ўз қўлимиздан келган тадбирларни кўрмоқдамиз. Яқинда «Ленинобод» колхозида тикувчилик цехи очиш масаласини ҳал қилдик. Бир қанча хўжаликларда қандолатчилик, консерва ишлаб чиқариш цехлари, гиштзаводлари ишга туширилди. Лекин бундай чоралар билан меҳнат ресурслари муаммосини тўла даражада ҳал қилиб бўлмайди. Районда Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг йирик филиалини очиш керак. Илгари шундай таклиф билан мурожаат қилинганида маҳаллий раҳбарлар ер майдонини қизғаниб, бунга рад жавобини беришган эди. Бу эса муаммонинг тобора чигаллашувига олиб келди. Бундан ташқари ўзимиз етиштирган хом ашёни тўла ҳажмда қайта ишлаш учун райондаги пахта тозалаш заводи қувватини икки баравар ошириш зарур.

Ҳамма жойда бўлгани каби Шофирконда ҳам турғунлик йилларида социал масалаларга ўгай соҳа сифатида қаралгани аянчли оқибатларга олиб келган. Районда аёллар ва болалар касаллиги кўп. Шунинг учун партия ташкилоти, биринчи навбатда, бутун эътиборини фельдшерлик-акушерлик пунктлари қуришга қаратди. Кун тартибида ҳаммомлар қурилиши масаласи ҳам турибди. Ҳар бир хўжаликда шу йилнинг ўзидаёқ биттадан ҳаммом қуриш узил-кесил қилиб қўйилди.

Яна бир муҳим социал масала меҳнаткашларни тоза ичимлик суви билан таъминлашдир. Ҳозиргача аҳоли қудуқларнинг аччиқ сувини истеъмол қилишга мажбур. Яқинда Жилвон массивида тоза ичимлик сувининг бой манбаи топилди. Янги водовод қурилиши бошланмоқда. Бу йил мазкур объектда 1 миллион сўмлик, яъни белгиланганидан икки баравар зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажаришни кўзда тутганмиз. Шундай қилинса, «Ғалаба», «Тамбов», Ильич номли совхозларнинг хонадонлари йил охиригача янги сув манбаидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Умуман, эндиликда кадрларимизга қишлоқда йиғилиб қолган социал муаммоларни ҳал қилишдаги ишбилармонликларига қараб баҳо бермоқдамиз. Яқинда «Ленинобод» колхозида тикувчилик цехи очиш масаласини ҳал қилдик. Бир қанча хўжаликларда қандолатчилик, консерва ишлаб чиқариш цехлари, ғишт заводлари ишга туширилди. Лекин бундай чоралар билан меҳнат ресурслари муаммосини тўла даражада ҳал қилиб бўлмайди. Районда Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг йирик филиалини очиш керак. Илгари шундай таклиф билан мурожаат қилинганида маҳаллий раҳбарлар ер майдонини қизғаниб, бунга рад жавобини беришган эди. Бу эса муаммонинг тобора чигаллашувига олиб келди. Бундан ташқари ўзимиз етиштирган хом ашёни тўла ҳажмда қайта ишлаш учун райондаги пахта тозалаш заводи қувватини икки баравар ошириш зарур.

Айни маҳалда партия ташкилотимиз олдида масъулиятли вазифалар турибди.

Н. УМАРОВ, Шофиркон район партия комитетининг биринчи секретари.

СЎНГГИ СОАТДА

● ПЕКИН

«Хитойда нечоғлик ўзгаришлар содир бўлмасин, аммо икки нарса биз учун собит бўлиб қолаверади, булар — социалистик қурилиш ҳамда ислоҳотлар йўли ва ташқи дунё билан алоқаларни кенгайтиришдир», «Жэньминь жибао» газетасининг хабар беришича, ХХР Давлат Кенгашининг бошлиғи Ли Пэн ўз вазифасини адо этиб бўлган Суданнинг ХХРдаги элчиси М. Х. М. Матар билан суҳбат чоғида шуни таъкидлаган.

● ДАМАШҚ

Исроил босиб олган араб ерларида халқ қўзғолони 20 ойдан бери давом этмоқда. Шу давр мобайнида жами 517 фаластинлик араб ҳалок бўлди. Жума куни тонготарда яралланган 16 ёшли Муҳаммад Товфиқ Сулаймон ҳалок бўлганидан кейин Фаластин вакиллари журналистлар ҳузурида гапириб шуларни айтишди. Муҳаммад шундан бир кун илгари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Жэнин шаҳри яқинида Исроилга қарши намойиш тарқатиб юборилганидан кейин оғир аҳволда шарқий Қуддусдаги госпиталга олиб келинган эди.

● ДЕҲЛИ

Ражив Ганди ҳукумати Деҳлида Тибет масаласи хусусида «Халқаро» конференция ўтказиб, Ҳиндистоннинг Хитой билан муносабатларини мураккаблаштиришга уринаётган муайян кучларининг қилмишларини қоралади. Ташқи ишлар давлат министри К. Натвар Сингх парламентда сўзга чиқиб, ҳукуматнинг ана шу конференцияга сира алоқаси йўқ, деб уқтирди, бу йиғин ғарбпараст, ўнг йўналишдаги ҳинд сиёсатчиси Жорж Фернандеснинг ташаббуси билан бугун Деҳлида очилмоқда, анжуманда АҚШ, Англия, Австралия, Ғарбий Германия, Франция ва Япония арбоблари қатнашадилар.

(ТАСС).

ОЛИЙ СОВЕТ—СЕССИЯЛАР ОРАЛИҒИДА

МУЛОҚОТ КЎЛАМИ

...Эрта тонгда Ленин номли майдондаги муҳташам бинога дастлабки почтани олиб келишади, шундан кейин кенг столларга юзлаб хатлар ёйиладн. Агар ана шу мактубларни юборган кишиларнинг адресига разм солсангиз, унда республиканинг бутун географияси акс этган. Шаҳарлар ҳақида гапирмай ҳам қўяқолайлик! Пойтахтдаги Ленин номли майдонга, Олий Советга ҳамма узоқ-яқиндаги қишлоқлардан мактублар келмоқда, десак сира муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, барчамиз учун қадрли ва азиз бўлган мавзу — тил ҳақидаги катта мулоқотда бутун республика аҳли иштирок этмоқда.

Тиллар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси эълон қилинганидан кейин минг-минглаб таклифлар олинди. Ҳозирча таклифларнинг моҳияти ҳақида гапирмай турайлик. Чунки, лойиҳа ҳақида сўз бораяпти, аммо шуни таъкидлашимиз керакки, муаммони ўртага қўйишнинг ўзиёқ инқилобий қайта қуриш шарофати билан бўлди. Халқнинг ардоқли хазинаси бўлган тил тўғрисида демократик ғамхўрлик, бу масаланинг ошкора муҳокама қилиниши омманинг ижодкорлигига қудратли омил бахш этди. Владимир Ильич Ленин худди ана шуни орзу қилган, худди ана шуни қарор топтирган эди.

Бу мавзу ҳозирги кунларда ўй-фикрларимизни банд этаётгани, суҳбатларимиз, мунозараларимизнинг асоси бўлаётгани ажойибдир. Ҳар бир киши ўй-фикрлари ва орзу-умидларини дўстлар даврасида бўлсин, йиғилишда бўлсин баҳам кўришни истайди, шу ҳақда газетага ёзади, қонун чиқарувчи Олий органга мактуб йўллайди.

Рўй-рост айтадиган бўлсак, Олий Совет Президиуми аппаратининг ҳам, ёрдамга таклиф этилган олимлар — тилшунослар, юристлар, демографларнинг... ҳам иши кўпайиб кетди. Дарёи азимдек оқиб келаётган хатларни синчиклаб ўрганиб чиқиш учун турли касб эгаларининг ёрдами зарур бўлади. Ҳақиқатан ҳам фақат ўқиб чиқишнинг ўзигина кифоя қилмайди, ҳар бир хатнинг мағзини чақиш керак, токи бирор муҳим таклиф ҳам назардан четда қолмасин; шундай қилиб, кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар ва маслаҳатлар жамланмоқда, асосий йўналишлар белгилаб олинмоқда, умумлаштирилмоқда.

Бу манбага яна кўп бор мурожаат қилинади. Шу йил кузида халқ фикри акс этган ана шу донолик булоғи ўзининг биринчи хизматини ўтаб, янги қонунни ифодалаб беришга ёрдам беради.

Ҳаётнинг туб муаммоларини халқ муҳокамасига қўйиш тарихнинг бир қисмига ҳам айланмоқда. Қилни қирқ ёрадиган олим ана шу ноёб хазинага таяниб, гражданлик нуқтаи назаридан нечоғлик ўсаётганлиги, омма қай даражада фаоллашаётгани, ижтимоий онгда ҳамкорлик ва халқларнинг биродарлиги ғоялари қай тахлитда қарор топаётганлигини назардан ўтказа олади.

Майли, баъзан турли фикрлар ҳам тўқнашаверсин, майли, баъзан ҳис-туйғулар далил-исботлардан кўра баландроқ янграйверсин! Конкрет вазиятлар ҳамиша ҳам ҳисобга олинмаётганлиги бизни у қадар ташвишга солавермасин. Чунки, бу тафаккур ҳазинасида пухта ўйлаб, далил-исботлар келтириб айтилган мулоҳазалар, амалий таклифлар хайрияткн кўп. Эзгулик, андиша, ақл-идрок ғолиб келмоқда. Халқ донолиги, халқ феълатворининг улуғворлиги ҳам худди ана шундадир. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозим бўладики, биз ошкоралик шароитида фикр-мулоҳаза юритишга эндигина ўрганмоқдамиз, эндигина мулоқот мактабида таълим ола бошладик. Шунинг учун ҳам доно ўгитга, яъни «Гапир, аммо бошқаларнинг ҳам фикрига қулоқ сол!» деган ўгитга риоя қилишимиз керак.

Шу боисдан ҳам она тилнинг тақдири унинг келажаги ҳақидаги мушоҳадалар Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг тиллари тўғрисидаги ғамхўрликка, қардош республикалар билан мулоқотни ривожлантириш йўлига пайваста бўлиб кетади.

Депутатларнинг ишчи группаси мажлисида гап ана шу ҳақда борди. Олий Совет ушбу группага лойиҳани муҳокама қилишда айтилган таклифлар, маслаҳатлар ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштиришни топширган. Мажлисга олий Советнинг бошқа депутатлари, олимлар, адиблар, журналистлар ҳам келишган.

Таниқли олимлар ва мутахассислар ҳамкорлик қилаётган депутатлар группасининг хулосаларидан олдин бирон-бир фикр айтишга журъат қилолмаймиз, аммо энг асосий ва яққол кўзга чалинаётган гапни айтиб қўйишимиз керак. Муҳокама шундан далолат бериб турибдики, миллий ўз-ўзини англаш ва интернационализм анъаналари узвий пайваста бўлиб кетмоқда. Хатларни такрор-такрор ўқиб эманмиз, онанинг алласи ва отанинг панд-насиҳатлари билан қонқонимизга сингиб кетган она тилга меҳр-муҳаббат ушбу мактубларда қардош халқнинг лисонига ҳурмат-иззат билан бирлашиб кетганини кўрамиз. Дарҳақиқат, биргаликда меҳнат қиламиз, бир-биримизга ёрдам беришга тайёрмиз, келажакни елкама-елка туриб бунёд этмоқдамиз, ёнма-ён яшамоқдамиз.

Депутатлар ҳам, мажлисга таклиф этилган кишилар — миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов, халқ маорифи ва маданият комиссиясининг раиси, Тошкентдаги олий партия мактабининг ректори М. Искандаров, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов, «Правда Востока» газетасининг муҳаррири Р. Сафаров, иккинчи автобус паркининг ҳайдовчиси И. Азаматов, «Ленин байрағи» газетасининг муҳаррири Н. Умеров, Тил ва адабиёт институтининг директори Б. Назаров, Қўлёзмалар институтининг директори А. Қаюмов, ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг декани И. Кўчқортоев, ТошДУ филология факультетининг профессори О. Шарафуддинов, шунингдек, муҳокамада қатнашган бошқа ўртоқлар ҳам бир қанча конкрет таклифлар айтишди.

Комиссия лойиҳа қонуншунослик жараёни биринчи босқичининг негизи бўлди, деб таъкидлади. Лойиҳа устидаги самарали ишни давом эттириш учун материал тўпланди. Газета ва журналларда эълон қилинаётган шарҳлар, меҳнаткашлар аҳли ва ўқув юртларидаги маърузалар, мактублар шуни тасдиқлаб турибди. Ишчилар ва деҳқонлар, ветеранлар ва ёшлар, илмий, техник ва ижодкор зиёлилар вакилларига оммавий ахборот воситаларидан кенг минбар бериш тавсия этилди.

Нотиқлар матбуот саҳифаларида, йиғилишлар ва хатларда хайрихоҳлик билан кўпгина амалий фикрлар билдирилаётганини маъқуллашди. Аммо айни вақтда айрим мақолаларда қўполлик ва чўрткесарлик қилинаётгани, уларнинг бир ёқламалиги, вазият иқтисодий, сиёсий ва социал жараёнлардан ажратиб кўриб чиқилаётганлигини асосли эмас, деб ҳисобладилар. Айни пайтда, истабми ёки истамасдан турли халқларнинг манфаатлари бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилмоқда, жамиятдаги кескинлик кучаймоқда. Бундан эса ҳеч кимга наф тегмайди, албатта.

КПССнинг ҳозирги замондаги тил сиёсатининг асосий қоидалари ифодалаб берилган XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг резолюцияси қоидалари муҳокаманинг принципиал негизи бўлиши лозим. Давлат мақомига эга бўлаётган ўзбек тилини қўлланиш доираси кенгайиши билан бир вақтда барча гражданларнинг ўз она тилларини эркин ривожлантириш ва ундан тенг ҳуқуқли фойдаланишига, СССР халқлари ўз ихтиёрлари билан миллатлараро муомала воситаси, деб қабул қилган рус тилини эгаллашга кафолат берилиши керак.

Мажлисда депутатлар группаси ва ишчи комиссиясининг фаолияти тўғрисида ҳам бир қанча конкрет фикр-мулоҳазалар айтилди. Бундан буён ана шу группа ва комиссия ишида иштирок этиш учун ижодкор ва илмий зиёлиларнинг яна бир қанча таниқли вакиллари таклиф этилди.

Меҳнаткашларнинг истакларини инобатга олиб, Олий Совет Президиуми Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда 1 октябргача узайтирди, бундан мақсад Олий Совет сессиясига ленинча миллий сиёсатнинг туб қоидалари ва қайта қуриш илгари сурган янги вазифаларни акс эттирадиган ҳужжатни тақдим этишдир.

...Чошгоҳга бориб мажлис ёпилганида яна мингта мактуб келди. Ҳа, хатлар кўпаяверсин, фикр хазинаси тўлаверсин.

Биз эса яна бир карра эслатиб қўймоқчимиз: ўртоқлар сизларнинг фикр-мулоҳазаларингиз, маслаҳатларингиз жуда зарур. Хатларингизни Тошкент, В. И. Ленин номли майдон, Олий Совет Президиумига деб ёзинг.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

• ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ



ИЖАРА ПУДРАТИ ШАРОФАТИ

Хўжайлн районидаги Ленин номли колхозининг сут-товар фермасида бу йилдан бошлаб иш ижара пудрати асосида юритнла бошланди. Ижарачиларга тажрибалн чорвадор Алексей Пак раҳбарлик қилмоқда.

Меҳнатни ташкил этишнинг бу янгича усули одамларда меҳнатга сиқиқдилдан муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантирди. Эндиликда ферма хизматчиларн ниожи борнча кўп ва арзон маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилишадиган бўлиб қолишди. Бунинг учун моллар қаровнни яхшилаш билан бир қаторда ем-хашакдан тежаб-тергаб самарали фойдаланиш чораларнни ҳам кўришмоқда.

Ижара пудратн асосида омилкорлик билан қилинаётган меҳнат натижаси эса тобора баракалн бўлиб бораётир. Чунончи, фермада 989 та қорамол бўлиб, уларнинг 231 таси соғин сигирлардир. План бўйнча йил охирига қадар 630 тонна сут соғиб олиниши лозим. Ферма аҳлнинг астойдил ншлаши туфайли ҳозиргача давлатга 400 тоннага яқин сут топшнрилди. Ҳар бир сигирдан 1500 килограммдан знёд сут соғиб олинди.

Бўрдоқиларнинг семириши ҳам яхши. Уларнинг вазни кунига пландаги 330 грамм ўрнига 350 граммгача ортмоқда.

Суратларда: 1. Чорвачилик звеноларн бошлиқлари Салимбой Исматов ва Иброҳим Бойнуров. Улар меҳнатда мусобақадош, турмушда эса қалин дўст чорвадорлардир. 2. Сут соғувчилардан Х. Добелова, С. Искандарова ва молбоқар Д. Собировалар навбатдагн иш кунига ҳозирланншаётган пайт.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.



АГАР МЕҲНАТ ҚИЛИНСА...

● Қашқадарёда чорвачилик тобора ривожланмоқда. Областда гўшт, сут, тухум етиштириш аввалги йилларга нисбатан бирмунча кўпайди. Моллар ва паррандалар маҳсулдорлиги ошаётир. Бу борада Ульянов районида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

РАЙОНДАГИ «Пахтакор» совхози соғувчиси, область партия комитети аъзоси Лидия Кафтанова ва унинг келинлари, қизлари Бибиражаб, Ҳолбиби, Орзигул ва бошқа шогирдларининг кайфияти кўтаринки эди. Чунки, навбатдаги чорвадорлар куни уларнинг сут-товар фермасида ўтади. Бунга ҳамкасблари, илғор чорвадорлар, мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарлари меҳмон бўлиб келишган. Ана шу ерда қилинган ишлар бўйича қисқача ҳисоб-китоб ўтказилади. Фермада сут соғувчилар конкурслари, турли-туман спорт мусобақалари бўлди. Совхоз клубида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» конкурсида фермaнинг «Чорвадор» командаси учинчи агроучаскaнинг «Меҳнат» коллективи билан беллашди. Бу йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Ҳар ойнинг бошида навбат билан район хўжаликларининг бирида ана шундай қизиқарли чорвадорлар куни ўтказиш анъанага айланди, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Зулқайнар Қодиров. — Чорвадорлар кунида мусобақа якунлари чиқарилади. Тажрибалар, янгиликлар ва ташаббуслар оммалаштирилади. Ҳозир райком фермалар ходимларининг диққат эътиборини, зоотехник билимларни кўп сут соғиб олиш ва молларни семиртириш маҳоратини чуқурроқ эгаллашга қаратмоқда.

«Пахтакор» совхозининг шинамгина жиҳозланган сут-товар фермаси. Ҳовли пештоқида «Ҳалол меҳнат қилсанг обрў топасан», деган сўзларга кўзингиз тушади. Лидия Кафтанова ҳам меҳнатдан обрў топган оддий инсонлардан бири. Моҳир соғувчи оила аъзолари билан бу йил март ойида 114 бош сигирни ижарага олди. Унинг 90 боши соғин сигир. Кейинги уч ойда ижарачилар 13 минг сўм маблағни тежаб қолишди. Пировард натижа ёмон эмас.

— Тармоқни интенсивлаш, — дейди биз билан суҳбатда Лидия Кафтанова, —шунчаки ғайрат билан ишлашнигина эмас, моллардан маҳсулот олиш технологиясига қатъий амал қилишни ҳам талаб этади. Ўтган йили биргина мен қарамоғимдаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан 2650 килограммдан сут соғиб олдим. Бу йил 3000 килограммлик маррани кўзлаяпман. Ҳар юз сигирдан 90—95 тадан бузоқ олишни мўлжаллаб турибмиз.

Илғорлар муваффақияти — бошқалар учун нормага айлансин! Район партия ташкилотларининг куч-ғайрати ана шу мақсадга йўналтирилмоқда. Масалан, «Пахтакор» совхозида ибратли натижаларга эришилаётир. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 тонна кўп серқаймоқ сут соғиб олинди. Ёки 143 процент ўсиш таъминланди. Хўжаликда яқин-яқинларгача соғин сигирлар кўпдан-кўп эскириб қолган молхоналарда сақланарди. Энди эса улар ўрнига замонавий комплекс қуриляпти. Зотдор сигирлар кўпайтирилди. Натижада ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори ошди. Маҳсулот етиштиришга кетадиган сарф харажатлар ҳам анча камайди.

— Биргина ўтган йили мен ҳар бош сигирдан 2700 килограммдан сут соғиб олгандим, — дея ҳикоя қилади сут соғувчи, район партия комитети бюро аъзоси Тожихон Ҳамроева. — Бу йил шу кўрсаткични 3000 килограммдан оширишни мўлжаллаяпман. Келгусида устозим Лидия Кафтановадан ўзиб кетмоқчиман. Райондагина эмас, ҳатто областда энг илғор сут соғувчи Лидия опа ижарага ўтиб ишлаб, сут соғишни бир ярим баравар ошириб, ибрат намунасини кўрсатди.

Чорвачилик «Галаба», «Совет Россияси», Дзержинский номли, «Партия XX съезди», «III-Интернационал» совхозлари ва районнинг бошқа хўжаликларида ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Кейинги йилларда гўшт ва сут етиштириш 1,5—2 баравар ўсди.

Лекин, районда ишга солинмаган қатор резервлар ҳам йўқ эмас. «Партия XX съезди» совхози бош зоотехниги Тўрахон Муқимов селекция ишлари ҳақида тўхталди:

— Бундан бир неча йил муқаддам пода маҳаллий зотли сигирлардан ташкил топган даврда уларнинг ҳар биридан кўпи билан 2000—3000 килограмдан сут соғиб олинарди. Энди эса ҳар бош сигирдан 3000 килограмм сут соғиб олинмоқда. Ўтган йилга нисбатан давлатга 95 тонна кўп сут сотдик.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам шундай зотли сигирларни кўпайтириш ва подани янгилаш системаси пухта ишлаб чиқилмоқда. Зотдор сигирлар ҳисобига наслчилик ядроси ташкил этилди. Камида 3—3,5 минг килограммдан сут берадиган сигирлар вужудга келиши учун зотдор бузоқлар алоҳида боқилаяпти. Кўрилган чора наслдор моллар салмоғини 80 процентга ошириш имконини бермоқда. Бироқ қўшимча имкониятлар ҳам бор.

Озуқа чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш манбаи. Кейинги йилларда беда пичанининг ўртача йиллик ҳосили гектарига 80 центнерга оширилди. Такрорий ва оралиқ экинлар экиш кенг тажриба қилиб кўрилмоқда. Шунинг учун бир йилда сигир бошига сут миқдорини ўртача 2700 килограммга, тухумни 120 донага, гўштни тирик вазнда 400 килограммга етказиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун 8200 гектар ерда беда етиштирилаётир. Бу умумий пахта майдонига нисбатан 33 процентни ташкил қилади. Афсуски ҳосилдорлик пастлигича қолмоқда.

Айрим хўжаликлар тармоқни ривожлантириш соҳасидаги резервлардан ўринли фойдаланмаётирлар. Моллар яхши семиртирилмай гўштга топширилмоқда. Баъзи фермаларда сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори кам. Бузоқ олиш ҳам талаб даражасида эмас. Сигирлар қисир қолмоқда. Емхашак тайёрлашда ҳам талай муаммолар бор. Ана шу камчиликлар қанчалик тез барҳам топса, Озиқ-овқат программасини тўлиқ амалга оширишни янада жадаллаштириш имконияти яратилган бўлур эди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИНСОН ҲАЁТИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасидаги фаолияти муаммоларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унда республика прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри В. М. Камолов, Ўзбекистон ССР адлия министри Б. Ғ. Олимжонов, Ўзбекистон ССР Олий суди нинг раиси М. М. Маликов марказий ҳамда республика нашрлари, радио ва телевидениеси журналистлари билан учрашдилар.

Д. А. Усатов республикада жиноятчиликнинг ҳозирги ўсишини «портлаш билан баробар» деб таърифлади. Шу йилнинг ярмидагина ўтган йилдагидан 17,2 процент кўп жиноят қилинди. Жуда оғир жиноятлар — қасддан одам ўлдириш, оғир жароҳатлар етказиш, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларнинг авж олиб кетганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органларни, айниқса ташвишлантирмоқда. Мулк билан боғлиқ жиноятларни: талончилик, ҳужум, квартира ўғирликларини ҳам шу жумлага қўшиш керак. Мана шу барча жиноят турлари бўйича ўсиш 35 процентни ташкил этди. Аммо бу ўрта ҳисобдагиси холос, айрим шаҳарлар ва регионларда эса бу кўрсаткич анча юқори. Масалан, Урганчда оғир жиноятлар сони аҳлик процентдан зиёдроқ, Самарқанд областида 62 процент, Фарғона областида 70 процент кўпайди. Фарғона областида эса ҳатто яқинда рўй берган фожиали воқеаларни ҳисобга олмаганда ҳам қотилликлар анча — 78 процент ошди. Баъзи регионларда қароқчиларча ҳужумлар бир ярим-икки баравар кўпайди.

Мана шу рақамларнинг ҳаммаси барчамиз учун эндиликда, афсуски, янгилик эмас. Бу рақамлар марказий матбуотда ҳам, республика матбуотида ҳам эълон қилинган бўлиб, кўпчилик улар билан эндиликда таништирлар. Биз мамлакатнинг кўпгина республикалари ва областларида аҳвол янада баттар эканлигини ҳам биламиз. Шунга қарамай, бу — мудҳиш статистикадир. Шу боисдан журналистлар биринчи навбатда жиноятчилик бу қадар даҳшатли тарзда авж олиб кетганлиги сабаблари билан қизиқдилар, албатта. Гўё бунга... қайта қуриш айбдор, демократиядан фойдаланишнинг умумий маданияти етишмаётган шароитда уни рвожлантириш салбий тенденцияларнинг кучайишига олиб келмоқда, деган уйдирмалар ҳозир кўп айтилаётгани сир эмас. Ҳақиқатан ҳам шундайми, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари бу хусусда қандай фикрдалар, улар содир этилаётган жиноятларни муттасил таҳлил қиляптиларми, қандай хулосаларга келишмоқда, вужудга келган аҳволдан қутилишнинг қандай йўлларини таклиф этишмоқда?

Ички ишлар министрлиги, Адлия министрлиги, прокуратура, Олий суд раҳбарларининг жавобларида кўп сабаблар айтиб ўтилди. Лекин улар бир нарсада яқдил фикр билдирдилар: жиноятнинг кўпайиши у ёки бу ҳолда республикадаги иқтисодий аҳволнинг ёмонлиги, турмуш даражасининг пастлиги, ижтимоий шароитларнинг яхши эмаслиги билан боғлиқдир.

Журналистларнинг бири бу фикрга жавобан, урушдан олдинги йилларни эслатиб, ўшанда ҳам бугунгидан кўра яхшироқ турмуш кечирилмаганлигини, лекин жиноятлар кам содир этилганлигини эслатди. Нон етишмасди, лекин одамлар уйларидан чиқаётиб, эшикларига зилдек оғир қулф осишнҳ хаёлларига ҳам келтиришмас, шамол очиб юбормаслиги учун унга чўп қистириб, ўз юмушларига хотиржам жўнашарди.

Шунда республика Олий судининг раиси М. М. Маликов кишилардаги умумий маданият масаласига, бугунги кунда ўзаро алоқалар йўқлиги, масалан қўшнида ўртасида алоқалар йўқлиги масаласига яна қайтди. Квартираларди ўғирликларнинг аксарият кўпчилиги кўп қаватли уйларда содир этилмоқда, эски маҳаллаларда эса бундай ҳодисалар камдан-кам рўй бермоқда. Қаватлардаги квартираларга биқинib олган кишилар кўпинча ўзлари билан ёнма-ён яшайдиган қўшниларини ҳам билмайдилар, шу сабали бир-бирларига ёрдам беришга шошилмайдилар.

Олий суд раиси журналистларга одамларнинг юксак маданиятга эга бўлишларининг афзалликлари, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлиги хусусида қизғин гапириб берди. Лекин, очиғини айтганда, унинг ҳаяжонли нутқи кўп нарсани равшанлаштириб бера олмади — журналистлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакилидан ҳозирги аҳлоқодобимиз ҳақида лирик чекинишни эмас, балки ишларнинг аҳволига профессионал нуқтаи назардан аниқ баҳо берилишини эшитишни хоҳлар эдилар. Кейинчалик кўп кишилар шу ҳақда гапиришди. Жамиятдаги маънавий муҳит турмушимизнинг барча соҳаларига қаттиқ таъсир қилаётганлигига ҳеч ким ҳатто шубҳа қилмайди ва бунга бизни ишонтириш керак эмас. Лекин ҳар биримиз ана шу масалалар устида ишнинг кўзини билиб меҳнат қилишимиз керак.

М. М. Маликовнинг сўзларига қараганда, бизда — суд ишлари юритишининг ўзида ҳозирча кўнгилдагидек тартиб ўрнатилган эмас. Муддати ўтиб кетган ишлар кўп. Масалан, Сурхондарё область суди йил бошидан бери атиги ўн иккита ҳукм чиқарди. Эҳтимол, у ерда жиноятлар кам бўлаётгандир? Йўқ, судлар ёмон ишлаяпти. Республика Олий судининг раиси буни тан олиб: текширамиз, деи олди холос. М. М. Маликов Олий судни бошқаришга киришганидан бери унчалик кўп вақт ўтгани йўқ, лекин бугун ана шу нарса ўзини қандайдир оқлашга асос бўла олармикан: ишларни тезроқ ва аниқроқ текшириб чиқиш керак. Чунки у мазкур системада янги одам эмас.

Д. А. Усатов ҳам жиноятчилик ўсиши сабаблари ҳақида ўзининг қандай фикрда эканлигини айтиб берди. Бутун жамиятимиз ҳаётининг соцнал, маиший ҳамда иқтисодий шароитлари қониқарсиз эканлигидан ташқари, у яқин ўтмишда меҳнат-ахлоқ тузатиш колониялари одамлар билан лиқ тўлларди — ҳеч қаерга ишга олишни хоҳлашмасди, ётоқхоналардан жой ҳам олишолмасди. Аввалги улфатлари эса уларга ёрдам беришдан бош тортишмасди. Фақат улар «ҳамкорлик қилишса бас». Шундай қилиб, такрор жиноятлар сони ўсиб бормоқда.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига катта ёрдам берган кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, бошқа жамоатчилик ташкилотларининг аҳамияти амалда йўққа чиқарилган. Биз аҳолининг жуда кенг қатламлари иштирокисиз тартиб ўрнатишимиз мумкин эмаслигини тушунмагунимизча, жиноятчиликнинг камайишига умид қилиш мушкулдир.

Республика ички ишлар министри лавозимига яқинда тайинланган В. М. Камолов бирмунча бошқача муаммони тилга олди. Милиция ишининг энг қизғин йўналишида — жиноий қидирув ишларида ўз ишини биладиган, маҳоратли ходимлар негизи йўқотиб юборилганлиги маълум бўлди. Бу ерда баъзи оператив ходимлар терговчиларни бошқаларга алмаштиришга қизиқиб кетиб, жиноий қидирув идораларида ишлаган эски кишилар ўрнига келган ёшларда на ҳаёт, на профессионал тажриба ва на кўникма борлигини билиб қолдилар. Ҳозир, албатта катта чора-тадбирлар кўрилмоқда, ҳаракат омиллари чинакамига созлангунича, бирмунча вақт ўтади ҳам.

Фарғонадаги фожиали воқеалар муносабати билан юзага келган муаммолар республика аҳолисини ҳамон ғоят ҳаяжонга солмоқда. Ўзбекистон ССР адлия министри Б. Ғ. Олимжонов журналистларнинг саволларига жавоб қайтара туриб, у ерда 388 киши маъмурий жазога тортилганлигини — уларга жарималар солинганлигини, ўн кеча-кундузгача қамоққа сақланганлигини қайд этиб ўтди. Ана шу кишилар иш кўрган асосий шахслар эмаслиги мутлақо тушунарли дейиш мумкин. Лекин тафтиш жуда қизғин олиб борилмоқда, у ерда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органлардан энг яхши, энг тажрибали ходимлар ишлашмоқда, қонли олишувларнинг ташкилотчилари ҳам, иллюмчилари ҳам интиқомдан қочиб қутулолмайдилар. Ҳозирдаёқ олтита жиноий иш ниҳоясига етказилди — қуролни сақлаганлиги учун бир неча киши турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳозир катта суд мажлисларига ҳозирлик кўрилмоқда ва улар тўғрисида журналистлар ҳамда республиканинг бутун аҳолиси жуда кенг суръатда хабардор қилинадилар.

Ана шу воқеалар теварагида ҳамон айланиб юрган миш-мишлар ҳақида нималар ўйлаш мумкин? Ахир, оғзига келган гапни қайтармай айтишмоқдаку: гўё қурбонлар рақмий хабарларда уч-тўрт баравар камайтириб кўрсатилаётган, қўшинлар ва милиция Фарғонада тинч митинг қатнашчиларини ўққа тутган эмиш. Бунинг устига ана шу нарсалар тарқатилаётган варақаларда тасвирлаб бериляпти, шекилли? Бу ҳақиқатан ҳам шундайми?

В. М. Камолов яқинда Фарғонада ана шундай варақаларни тарқатувчи икки киши қўлга олиганлигини журналистларга маълум қилди, варақалар остида «Бирлик» ҳаракатининг имзоси бор эди. Мана шу варақаларда милиционерлар билан ички қўшинлар солдатлари тинчгина ўтиришган одамларга қарата ўт очишгани ҳақиқатан ҳам айтилган эди. Бу гапнинг ёлғон эканлигидан кўп нарса далолат бериб турибди, министр матбуот конференцияси қатнашчиларига тортиб олинган қуролларнинг фотосуратларини кўрсатди — бу фотосуратларда пичоқлардан ташқари қўлда тайёрланган ва заводда ишлаб чиқарилган тўппончалар, милтиқлар ва ҳатто автоматлар бор эди. У ҳолда «тинч» ва «қуролсиз» оломон деганда нимани тушуниш керак? — асосли савол берди В. М. Камолов. Жуда турли хил жароҳатлар етказилган милиция ходимларининг, солдатларнинг фотосуратлари кўрсатилди. Зотан, Фарғона областида асло «ҳимоясиз» ва мўмин-қобил кишилар бебошлик қилишгани йўқ.


Журналистлар Тошкент бўйлаб тўлқиндек йиғилаётган миш-мишлар тўғрисида ҳам яъни гўё Тошкент областида зарарли моддалар чиқиндилари кўмилган қаровсиз жойлар бор, деган миш-мишлар тўғрисида ҳам савол бердилар. Ана шу жойларга миш-мишлар тўғрисида ҳам, гўё бутун мамлакатдан «ахлат» келтириб ташланаётган эмиш. Шу нарса аниқландики, республика прокурори Д. А. Усатов ўша жойларда шахсан бўлиб, чиқиндилар кўмилган иккита шундай жойни кўрган. Уларнинг бири «Электрохимпром» бирлашмасига, иккинчиси эса республиканинг бир қанча корхоналарига қарашлидир. Бошқа республикалар ва областлардан ишлаб чиқариш чиқиндиларини бу ерга олиб келиб ташлаш ҳоллари икки мартагина қайд этилган. Дастлабки қузатувларга кўра, ана шу чиқинди ташланаётган жойлар ҳақиқатан ҳам анча яхшироқ ҳолга келтириб қўйилиши зарурлигига қарамай, у ерда ҳозирдаёқ қатъий тартиб ўрнатила бошланди ва ҳаво ёки тупроқнинг заҳарланиш хавфи йўқ. Аммо, деб таъкидлади прокурор, экологик экспертизани ниҳоятда синчковлик билан ўтказиш зарур, шу боисдан ҳам у тегишли мўътабар органлар томонидан шундай экспертиза чаққонлик билан ўтказилишига эришиш ниятидадир.

Журналистлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарларига яна кўпгина ғоят хилма-хил саволлар — айрим суд ишлари ва ҳукмлари хусусида, «Огонёк» журналининг баъзи мақолалари ҳамда савдо-харид кооперативларининг фаолияти, милициянга кўмаклашувчи ишчи отрядлари тузилаётгани хусусида саволлар беришди. Барча саволларга жавоблар қайтарилди, ана шу жавоблар матбуот вакилларини ҳамиша қаноатлантирган бўлмасада, аммо, матбуот конференцияси қатнашчиларининг умумий фикрига кўра, етарли даражада рўй-рост бўлди. Шунга қарамай, ҳозир бўланларнинг кўпчилигида республикамиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз ишларини мувофиқлаштиришга, ҳозирдаёқ мавжуд имкониятлардан янада тўлиқроқ фойдаланишга ҳали етарлича куч-ғайрат сарфлаётганлари йўқ, деган таассурот вужудга келди.

В. ГЛАДИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

ёки Олмалиқ шаҳар корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтиришнинг илк тажрибалари хусусида






Олмалиқ шаҳар ички хизматчилари, пиво-алкоголсиз ичимликлар, сут заводлари ва гўшт комбинати коллективларининг янги ташаббусидан мамнун бўлмоқдалар. Бу корхоналарнинг меҳнаткашлари ички резервларни ҳаракатга келтириб ва мавжуд ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда шаҳар аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини яхшироқ қондиришга ҳисса қўша бошладилар.

Суратларда: пиво-алкоголсиз ичимликлар заводи аппаратчиси Л. Сиддеева билан ачитқи цехи бошлиғи Э. Айтбоев (чапда). Ўнгда — сут заводи химия лабораторияси мудири Л. Пулина ва микробиолог М. Хидировалар иш устида. Пастдаги суратда гўшт комбинатининг ёрдамчи хўжалиги акс эттирилган.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.



Турғунлик йилларининг қарахтлигидан халос бўлаётган ишчи коллективлари қайта қуриш ҳуш сабосидан баҳра ола бошладилар. Меҳнат коллективлари тараққиётни тушовлаб қўйган дастлаб-даста эски кўргазма-ю, инструкциялар исканжасидан чиқиб, юксалиш сари дадил қадам ташламоқдалар. Бунда уларга янгича тартибда иш тутиш — хўжалик ҳисоби, ижара усули қўл келмоқда.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни ишчи коллективларига ривожланиш йўлида мустақиллик берди. Хўжалик юритишдаги мустақиллик партия ва ҳукумат ўртага қўяётган халқ фаровонлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишда эркин ҳаракат қилишга йўл очди. Бунга Олмалиқ шаҳар корхоналари коллективларининг тажрибаси мисол бўла олади. Улар шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга аҳд қилиб, мавжуд ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш йўлларини изладилар. Кейинги икки йил мобайнида машина-ускуналар қувватидан ва хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошди. Иккиламчи ресурсларни хўжалик оборотига жалб этиш кенгайди. Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги прогрессив шаклларини жорий этишга эътибор кучайди. Шунинг эвазига гўшт, сут ва алкоголсиз ичимликлар тайёрлашни анча оширишга муваффақ бўлинди.

Аслида шаҳар аҳолиси таъминотини яхшилашга тегишли ҳисса қўшиш осон кўчмади. Коммунистлар, бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар партия комитети ишчи коллективларини қўллаб турдилар, тегишли амалий ёрдам кўрсатдилар. Меҳнаткашларнинг бевосита қатнашуви билан 1986—1989 йилларда хўжалик ҳисоби усулида шаҳар гўшт комбинатида, сут ва пиво-алкоголсиз ичимликлар заводларида асосий цехлар реконструкция қилинди, эскирган технология ускуналари янгилари билан алмаштирилди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари техникавий даражасини оширишга конметаллургия комбинати, химия заводи, мебель фабрикаси ва бошқа корхоналар коллективлари ҳам муносиб мадад бериб турибдилар. Улар ўзаро имзоланган шартномаларга кўра, алоҳида ускуналар, корхона ичида қўлланиладиган технология транспорти асосий узеллари, омборхоналар конструкцияларини пешма-пеш тайёрлаб бераётирлар.

Шу тариқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар қаддини ростлаб олди. Шаҳар аҳолиси таъминотини яхшилашга баракали ҳисса қўшила бошлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Олмалиқ гўшт комбинати, сут заводи ва пиво-алкоголсиз ичимликлар заводи иш тажрибасини маъқуллади.

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ ДАЪВАТИ

Дахлдорлик туйғусини ардоқлаш тарафдоримиз. Бу туйғу яратувчилик ишларимиз юришиб кетишида муносиб мадад бера олади. Гўшт комбинатида бўлганимизда, бунга қаноат ҳосил қилдик. Меҳнат коллективида ижара пудратига ўтилиши тарихи ҳақида сўзлаб беришди.

Айтишларича, корхонада меҳнат коллективи кенгаши ўтган йили тузилибди. Тузилибди-ю, дастлабки қадамлариданоқ маъмурият олдига жиддий масала қўйибди: шаҳардаги сут заводи ижарага ўтибди. Ишчилар ва мутахассислар ойлиги кескин кўтарилди. Олинган фойда ҳисобидан цех янги техника билан жиҳозланди, ишчиларга бир талай қулайликлар яратилди. Наҳотки биз ижара пудрати усулида ишлолмасак?

Ҳа, бугунги кунда меҳнат коллективи кенгашлари катта куч бўлиб қолди. У коллектив барча аъзолари — ишчилар, мутахассислар, маъмурият, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари фикрини ифодалайдиган бообрў ташкилот сифатида фаолият кўрсатмоқда. Меҳнат коллективи кенгаши аъзолари даъвати маъмурият вакилларини ҳушёр торттирди. Лекин масаланинг моҳиятини жиҳатдан мураккаб томонлари ҳам бор эди. Мутахассислар ишга жиддий киришдилар. Тажриба орттирган корхоналарда бўлишди, тегишли идоралар билан маслаҳатлар қилинди. Янгича — ижара пудрати усулида ишлашга кўчилди. Дастлаб қийин бўлди.

Кейин... ишлар юришиб кетди. Коллектив аъзоларида ишга муносабат ўзгарди. Сифат учун қайғуриладиган бўлди. Негаки, сифатли маҳсулот тайёрлаган ишчи юқори ҳақ олади. Бажарилаётган ишнинг пировард натижасидан бахрамандлик меҳнат кишилари фаоллигини оширa бошлади.

Фаоллик билан дахлдорлик ҳар бир ишчида эгизак туйғуга айланиб бораётганига оид мисоллар келтириш мумкин.

— Меҳнат коллективи кенгаши ташаббуси билан, — деб таъкидлайди гўшт комбинати директори Нуриддин Ризқиев, — ёрдамчи, иккиламчи маҳсулотлардан аҳоли эҳтиёж сезиб турган юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Илгарилари бошқа эҳтиёжларга ишлатиладиган гўшт ва иккиламчи хом ашёдан колбаса маҳсулотлари, рулет каби тансиқ таомлар тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Калла, қорин, ўпка, хасип сингари гўшт маҳсулотларини кўплар хуш кўриб тановвул қилади. Бироқ бунинг «аммо»си бор. Биринчидан, гўшт саноатининг бир вақтлар муҳрланган кўрсатма-инструкцияларига мувофиқ бу маҳсулотлар гўшт қаторига қўшилмай, чиқит маҳсулот ҳисобланиб келган. Иккинчидан, бундай маҳсулотларни аҳоли тозалаб фойдаланишга одатланмаган. Шу сабабли қора мол, қўй ва бошқа ҳайвон суякларини ун қилиб, калла-почаларини шундайлигича ҳайвонот хўжаликларига транспорт кираси тўлаб текинга ташлаб келардик.

Энди эса иккиламчи дейиладиган бу маҳсулотларни корхонанинг ўзида гигиена талаблари асосида тозалаб сариштаб фойдаланиш йўлга қўйилди. Буни биз фонддан ташқари маҳсулот деймиз. Лекин уларга талаб катта. Ҳар кимга ҳам сотавермаймиз. Комбинатимизга дахли бор, цехларимизни техникавий жиҳатдан қайта ускунаолишга ёрдам кўрсатаётган шаҳримиздаги 17 саноат корхонаси ишчи-хизматчиларига шартномаларга мувофиқ сотмоқдамиз.

ШАРҲ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, гўшт комбинати бу йил 500 минг сўмлик «иккиламчи» маҳсулот сотади. Келаси йили сотиладиган бундай маҳсулот ҳажми 2 баравар ортади. Бу — шаҳар аҳолисини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашнинг эндигина фойдаланила бошлаган янги имкониятидир.

Мутахассислар яна бошқа ҳисоб-китобларни ҳам айтиб беришди. Аввало бу маҳсулотлар давлат буюртмасига кирмайди. Йилнинг ўтган даврида аҳоли тансиқ таом сифатида харид қилаётган «иккиламчи» гўшт маҳсулотларидан 342 минг сўмлик сотилди.

Масаланинг муҳим жиҳатлари бор. «Иккиламчи» гўшт маҳсулотларини дастлаб шаҳар аҳолиси дастурхони тўкинлигига хизмат қилади. Иккинчидан, бундай маҳсулот сотилишидан тушган маблағ корхонага соф фойда сифатида ўтади ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш, социал-маиший мақсадлар учун сарф этилади.

Меҳнат коллективи кенгаши бошлаган ташаббус тафсилоти қисқача шундай.

ИЖАРА ПУДРАТИДАН БАҲРАМАНДЛИК

Антиқа манзаранинг гувоҳи бўлдик. «Пискент» совхозида ташкил қилинган ферма ёнида мўъжазгина сут заводи ишлаб турибди. Айтишларича, бунақаси республикада ҳозирча ягона. Соғиш аппаратларидан сут қувурлар орқали заводга оқиб турибди. Завод зарур ускуналар — қабул қилиш, ўлчаш, пишиш, мўътадиллаш ва совутиш ускуналари билан жиҳозланган.

Ўзига ҳос кичик завод смена давомида 7,5 тонна сут тайёрлаб чиқариш қувватига эга. Рисоладаги сут шу ерда идишларга қуйилиб, Олмалиқ шаҳар магазинларига етказиб берилянти. Сут савдо тармоғига етиб келгунча атиги 1—1,5 соат вақт ўтади. Одатдаги технология жараёнида эса сутни қайта ишлаш учун 8—12 соат сарфлапади. Шаҳарликларга сут энди пархез таом сифатида янгилигида етказиб бериладиган бўлди.

Фермадаги барча жараёнлари бир оператор бошқармоқда. Ферма шаҳардаги сут заводи ихтиёрига расмийлаштириб берилди. Мутахассислардан бирининг таъкидича, шаҳарликларга янги соғилган сут етказиб берилишидан ташқари, бу тадбирнинг ферма учун иқтисодий афзалликлари ҳам бор. Кичик заводда ўрнатилган иссиқликни мезёрида сақлаб турувчи ускуна (бу ҳам республикада ягона) фақат биргина машинадан иссиқлик ва совуқлик «истеъмол» қилади. Шунингдек, совхоз барча сутни 100 фоиз биринчи сортга сотмоқда. ГОСТ талаби ўзгариши билан янги йилдан бошлаб барча маҳсулот олий сортга ўтказилади.

Бу дегани — ҳар тонна сут 240—260 сўмдан сотилади. Қизиғи шундаки, харидор бу «фарқ»ни сезмайди. Нархдаги қўшимча давлат томонидан қопланади. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли совхозда ва Пискент районидаги яна бир совхозда ҳам шундай мўъжаз заводлар барпо этиш мўлжалланган. Уларни Олмалиқ сут заводи ижара пудрати тартибида ишлатади, маҳсулоти эса шаҳар магазинларига пешма-пеш юборилиб турилади.

Сут заводи директори И. Иброҳимовдан ижара пудрати усулида ишлаш афзалликлари ҳақида фикр сўрадик.

— Янгича шароитларда ишлаш омилкорликни, хўжаликни обдон ҳисоб-китоб билан юритишни тақозо этади, — дейди Иномжон Дадажонович. — Қайта қуриш хусусида турли мулоҳазалар билдирилянти. Ҳатто баъзилар ортга қайтишни таклиф этишянти. Бу, эскича ишлаш одатларини тарк этолмаётганларнинг гапи. Хўжалик сенга ишониб топширилдими, нари-берини ўйлаб иш юрит, фойда-зиённи фарқ қил. Шундай қилолмас экансан, қайта қуришдан нолима. Менинг шахсий фикрим бу, албатта.

Ишлаб чиқариш муносабатларини шундай қайта қуриш лозимки, инсон иш жараёнига ижара пудрати орқали ҳақиқий хўжайин сифатида қарайдиган, масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этадиган бўлсин. Биз заводда шундай муҳитни вужудга келтириш учун қатор чораларни кўрдик. Натижада давлат буюртмалари муттасил бажариляпти. Кейинги олти ойда давлат буюртмасидан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ортиқча маҳсулотлар заводимизга хизмат кўрсатаётган — бино ва иншоотларни ремонт қилиб бераётган, ускуналарни созлашда кўмаклашаётган, участкаларни техникавий жиҳатдан қайта ускунаолишда қатнашаётган корхоналарга олиб бориб сотиляпти. Шундай қилиш корхоналараро алоқаларни мустаҳкамлаш, манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги йўлларини ҳам очиб беряпти. Бунда биз шаҳар партия комитети, ижроия комитетининг ташкилотчилик ролини бевосита ҳис қилиб турибмиз.

Яна бир гапни айтиб қўяй. Заводимиз коллективи ўтган йил октябрь ойидан бошлаб ижара пудрати усулида ишлашга кўчди. Коллектив аъзолари янгича ишлаш афзалликларидан ҳозирнинг ўзидаёқ баҳраманд бўла бошладилар. Корхона даромади ортди, ишчиларнинг маоши кўпайди. Бу эса меҳнаткашлар кайфиятини кўтариб, уларни корхонага тобора боғлиқ қилиб қўймоқда. Кадрлар қўнимсизгини кескин даражада қисқарди.

ШАРҲ. Завод директорининг ижара пудрати афзалликлари ҳақида ифтихор билан айтган фикрларига қўшилиш керак. Дарҳақиқат корхона коллективи ижара пудрати асосида меҳнат қилиб кам бўлмаётир. Йилнинг олти ойи якунлари шуни тасдиқлаб турибди. Барча иқтисодий-техника кўрсаткичлари бўйича планлар адо этилди. Ҳар тонна хом ашёдан 256,08 сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Бу — республика сут саноати тармоғида юқори кўрсаткич. Коллектив планлаштирилганига нисбатан 20 минг сўм зиёд фойда олди.

Мустақиллик тараққиётга кенг йўл очиб бермоқда. Шу йилдан бошлаб коллектив йиллик планларини ўзи ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш эркинлигини қўлга киритди. Шаҳардаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан бевосита шартномалар тузилди. Пискент кичик сут заводи тўла хўжалик ҳисоби талаблари асосида ишламоқда. Бош корхонанинг музқаймоқ цехи хўжалик ҳисобини тўла ўзлаштириш даврини бошдан кечиряпти.

Айрим корхоналарда аҳоли истеъмолибоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш майли бор-у, имкон йўқлигини баҳона қилишади. Сут заводи мутахассислари баҳона эмас, имкон изланяпти. Изланиш эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш истиқболларини кўрсатиб бермоқда. Ҳали ижара пудратига ўтилмаган пайтларда сутни қайта ишлашдан чиқадиган зардобнинг тоннаси 3—4 сўмдан фермаларга сотиларди. Гап 3—4 сўмда ҳам эмас, корхонани зардобдан халос этиш эди. Ҳозир эса зардобдан ҳам фойдаланилаётир.

Шу мақсадда корхонада ишлаб чиқариш кооперативи тузилди. Кооператив ҳар кеча-кундузда 1 тоннага етказиб зардоб қўшилган нон тайёрлаб сотадиган бўлди. Хуштаъм нон аҳоли томонидан чаққон харид қилинянти. Завод шу тариқа чиқиндисиз технология асосида ишлашга ўтиш арафасида. Келаси йилдан бошлаб сут зардобидан яхна ичимлик, эритилган пишлоқ ва колбаса пишлоғи каби хушхўр таомлар тайёрлайдиган цехлар ишга туширилади.

Буларнинг ҳаммаси шаҳар аҳолиси фаровонлиги, корхона ишчилари баҳрамандлиги, олинадиган фойда салмоғини оширишга ёрдам бермоқда.

РАҒБАТ

Айтингчи, умрининг ярмини ишлаб чиқаришда ўтказаётган ишчи агар машина-ускуналар эскириб қолган, қўл меҳнати кўп, хавфсизлик техникаси орқада қолаётган бўлса, ўзини қандай ҳис этади? Пиво-алкоголсиз ичимликлар заводида ана шуларни кенг мулоҳаза қилишди. Биров у деди, биров бу.

Ниҳоят, якдил қарорга келинди. Эскирган ускуналар билан узоққа бориб бўлмайди. Қўл меҳнати билан харидоргир маҳсулот тайёрлаш амримаҳол. Техниканинг носозлиги ишонч билан меҳнат қилишга кафолат бермайди. Аҳволни ўнглаш керак.

Меҳнат коллективининг аҳду қарори манфаатли йўлни танлаб олишга кўмаклашди. Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштирмасдан туриб мақсадга эришиб бўлмаслиги аён. Ҳамма — ишчи-ю, мутахассислар бир овоздан ижара пудрати усулида ишлашга кўчишни лозим кўришди. Тайёргарлик ишлари шитоб билан олиб борилди.

Корхона социал-иқтисодий тараққиётида 1988 йил июли алоҳида сана бўлиб тарихда қолди. Завод ўша кундан эътиборан ижара пудрати усулида ишлай бошлади. Орадан ойлар, ҳатто йил ўтди. Янгича ишлаш нима берди?

Шу саволга завод директори Яков Романович Криницкий қуйидагича жавоб қилди:

— Янгича тартибда ишлашнинг бир йиллиёқ орттирилган тажриба ҳақида баъзи мулоҳазалар айтишга имкон беради, — деди директор. — Тармоқ корхоналари орасида биринчи бўлиб ижара пудрати усулида ишлай бошлаганимиз ҳам қийин, ҳам осон бўлди. Қийинлиги шундаки, андоза олади-ган касбдош корхона йўқлигидан кўп мулоҳаза юритиш, ҳисоб-китоб қилиш, қиёслашлар билан шуғулланишга тўғри келди. Осон жиҳати — корхонанинг новатор ишчилари, мутахассислари эркин ижодий фикр юритдилар. Айрим ҳолларда тавакkалчилик қилишга ҳам тўғри келди.

Пировард мақсадни кўзлаб ишлаб чиқилган тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш қувончли натижалар бера бошлади. Бир йил мобайнида корхона меҳнаткашларининг ишга муносабати кескин даражада ўзгарди. Ишга сабабсиз кечикиш ҳолларига чек қўйилди. Иш вақтидан самарали фойдаланиладиган вазият қарор топди.

Коллектив меҳнати самараларини қиёслаб кўриш анча нарсадан дарак беради. Ижара пудрати меҳнаткашни рағбатлантиряпти. Бир йилда цех ишчиларининг меҳнат ҳақи икки баравар ортди. Шундан хотин-қизлар маошини алоҳида таҳлил этсак, улар оладиган ойлик ўртача 300 сўмга кўтарилди. Созловчи-слесарларнинг маоши эса 350—400 сўмни ташкил этяпти. Яхна ичимликлар тайёрлаш ҳажми 2 баравар ортиб, сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Савдо тармоқларига хилма-хил маҳсулот юборадиган бўлиб қолдик. Пиво тайёрлаш 1,2 баравар ортди.

Ҳали булар охирги марра эмас. Қиладиган ишларимиз кўп. Бу ёғини ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

ШАРҲ. Ҳа, ақл-идрок, ҳисоб-китоб билан қилинган иш яхши натижалар бераверади. Корхона коллективи ишлаб топаётган маблағ баракаси меҳнаткаш ойлигини 500 сўмга етказиш мумкинлигидан далолат бермоқда. Завод коллективи 1 миллион сўм маблағ жамғарди. Кейинги 20 йил ичида бунчалик кўп фойда кўрилмаганди.

Даромадга қараб буромад ҳам бўляпти. Олинган фойданинг бир қисми қурилишга ажратилди. Маъмурий-маиший корпус тикланяпти. У йил охирида фойдаланишга топширилади. Холодильник-компрессор цехи лойиҳасига буюртма берилганди. Лойиҳа ҳужжатлари қўлга тегди. Келгуси йили янги цех қурилади. Бу ишлаб чиқариш майдонида ўрнатиладиган ускуналар ҳаракатга келиши билан маҳсулот тайёрлаш ҳажми 5—6 марта кўпайиб, сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланади.

Корхона халқаро алоқалар ўрнатишга ҳам қодир бўлиб боряпти. Хорижий мамлакатларнинг бири билан поток линия сотиб олиш ҳақида шартнома тузилди. Янги линия ишга тушиши билан соат сайин 20 минг идишда сифати яхшиланган пиво тайёрлаб чиқариладиган бўлади. Улар одатдагидек шиша идишларга эмас, махсус тайёрланадиган тунука идишларга қуйилади.

Қисқаси, рағбатлантириш омиллари ҳаракатга келиши билан заводнинг социал-иқтисодий ривожланиш одимлари жадаллашиб боряпти.

* * *

Ҳа, олмалиқликлар ҳақиқатан ҳам барча ҳамкасблар ибрат олса арзийдиган хайрли ишга қўл урдилар. Улар ички резервларни ҳаракатга келтириб, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлашга ҳиссса қўшиш мумкинлигини амалда намоён этмоқдалар.

Ж. ҲОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

НЕФТЬ ДАРЁСИ ҚУРИЛАДИМИ?

МЕНИНГ ФИКРИМЧА...

Матбуотда Чордара — Фарғона магистрал нефть қувури қурилиши ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Нефть Фарғонага Тюмень области конларидан келтирилиши керак эди. Бу жуда катта иқтисодий фойда берадиган лойиҳа мутахассислар, маҳаллий партия, совет органлари, жамоатчилик томонидан ҳам маъқулланган эди.

Бунинг сабаблари кўп. Чунки Фарғона областидаги мавжуд иккита йирик нефтни қайта ишлаш заводига нефть цистерналарда ташиб келтирилади. Узундан-узоқ цистерналар состави темир йўлларни ҳаддан ташқари банд қилади. Олисдан хом ашёни ташиб келтириш нефть маҳсулотлари таннархи ошиб кетишига, уларнинг сифати эса пасайишига сабаб бўляпти. Нефтдан бўшаган цистерналарни тозалаш учун эса Ҳамза шаҳрида бутун бошли корхона ишлаб турибди.

Бундан ташқари, нефтни цистерналарда ташиш атроф-муҳит муҳофазасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё темир йўлида пассажирларга хизмат кўрсатиш ва бошқа халқ хўжалиги юкларини ташишни кўпайтириш истиқболлари ҳам шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ.

Область нефтни қайта ишлаш корхоналарининг ўзлари ҳам цистернада нефть ташиш туфайли ортиқча ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этишга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, Чордара—Фарғона нефть магистрали ишга тушса «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўзида иккита цехни ёпиш, 300 дан ортиқ одамни бевосита ишлаб чиқаришга жалб этиш имконияти туғилади. Цистерналарда хом ашё ташиш жараёнида юзлаб тонна нефть ва нефть маҳсулотлари исроф қилинади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, лойиҳадаги магистрал нефть қувури ишга тушса, республиканинг ёнилғи-энергетика баланси энг камида уч марта кўпайган бўларди. Республика халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёнилғиси, бошқа нефть маҳсулотлари етказиб бериш анча яхшиланарди.

Чордара—Фарғона нефть магистрали лойиҳаси Москвадаги «Гипротрубопровод» ва бошқа етакчи лойиҳалаш институтлари томонидан ишлаб чиқилган. СССР Нефть химияси саноати министрлиги лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга озмунча маблағ сарфламади. 1986 йили эса шарқий Қозоғистон магистрал нефть қувурлари бошқармасининг Фарғона линия-технология хизмати ташкил топди. Бу ташкилотга Чордара—Фарғона магистрал нефть қувури қурилишининг буюртмачиси вазифаси юклатилган эди. Линия-технология хизмати лойиҳани рўёбга чиқариш учун қўлдан келган деярли барча ишларни қилди. Бироқ катта иқтисодий фойда келтириши кўриниб турган магистрал нефть қувури қурилиши авж олиш ўрнига сустлашиб кетди. Ваҳоланки, 1986—1990 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик планида бу магистрал нефть қувурини қуриш ва ишга тушириш кўзда тутилган эди. СССР Нефть химияси саноати министрлиги қурилишнинг бош буюртмачиси қилиб белгиланган эди. Афсуски қувур ётқизиш ишларининг каттагина қисми қўшни республикалар территориясидан ўтиши, тегишли ер майдонлари ажратиш масаласининг ўз вақтида ҳал этилмаганлиги ва бошқа бир қатор сабабларга кўра қурилиш бошланмади. Лойиҳачилар ҳам маҳаллий шарт-шароитлар, ер тузилишини ҳисобга олишда камчиликларга йўл қўйганлар.

Шуниси қизиқки, фарғоналиклар магистрал нефть қувурига ер ажратиш ва бошқа масалаларни ҳал қилиб улгургунларича Туркманистон нефтчилари Чордарадан Туркманистон томонга магистрал нефть қувури қурилишини бошлаб юборди-лар.

Фикримча, нафақат Фарғона области, балки бутун республика учун катта аҳамиятга эга бўлган Фарғона водийсидаги экологик муҳитни соғломлаштирадиган нефть дарёси қурилишини бошлаб юбориш даркор. Республиканинг тегишли ҳукумат органлари бу хайрли ишни охирига етказишлари зарур.

Б. МИРЗАБОЕВ,
нефтчи-инженер.

• МАКТАБ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ҲАМКОРЛИГИ

Қанийди кўпроқ бўлса...

Тошкентдаги 142-мактабнинг 10-синф ўқувчилари битириш имтиҳонларини топширибоқ ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг талабаларига айландилар. Улар олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини топширганлари йўқ, фақат суҳбатдан ўтдилар. Институтнинг мактаб билан ижодий ҳамдўстлиги натижасида рўёбга чиққан тажриба натижаси шундай бўлди. Бу тажриба хусусида институтнинг тажриба мактаби масъул раҳбари А. ЭШОНХЎЖАЕВ шундай ҳикоя қилади.

— Икки йил олдин қўлланилган бу тажриба ўз самарасини беряпти. Биз дастлаб 142-мактаб 9-синф ўқувчилари билан шартнома тузган эдик. Сўнг институтимиз республиканинг кўпгина областларидан техника мутахассислигига қобилиятини намоён этган йигит ва қизларни бағрига чорлади. Шундай қилиб, мактабда бешта базавий синф пайдо бўлди. Синфларда олий ўқув юрти муаллимлари махсус фанлардан, мактаб ўқитувчилари эса умумтаълим фанларидан дарс беришди.

Тажриба синфида таҳсил кўрган болалар ҳар жиҳатдан ўзларини кўрсатишди, чунки бу ерда талаб қаттиқ-да. Иккинчи томондан, тарбиячиларнинг ишончини оқлай олишди. Тажриба синфлари институт учун жамоатчи фаоллар тайёрланишига ҳам сабаб бўлаётир.

Тажриба синфида ўқишни хоҳлаганлар сони йилдан-йилга ортиб боряпти. Бу йил 9-синфни фақат «4» ва «5» баҳоларга тамомлаган 400 дан ортиқ ўқувчи ҳужжат топширди. Уларнинг деярли ярмини мактабимизга қабул қилдик.

Мактабнинг ўзига хос муаммолари ҳам бор. Энг муҳими — бундай тажриба синфлари барча олий ўқув юртларида жорий этилса яхши бўларди.


Газетхонлар билан учрашув

ҚАРШИ. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнаткашлар билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Албатта, бу қайта қуриш, демократиянинг самарасидир. Яқинда «Совет Ўзбекистони» газетаси масъул ходимлари қўриқ Ульянов районида бўлиб, «Пахтакор» совхози меҳнаткашлари билан учрашдилар.

Учрашувда совхоз директори Нарзулла Файзиев, ишчи Ҳайитбой Мамашарипов, қишлоқ хўжалик машиналари устахонаси мудири Равшан Саидов, Қарши педагогика институти студенти Фозил Тиловатов, район партия комитетининг биринчи секретари Зулқайнар Қодиров ва бошқалар оммавий ахборот воситаларини ишидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапириб, республикамиз отахон газетаси материалларини таъсирчанлигини янада ошириш, кўпроқ социал проблемалар, хотин-қизлар турмуши, қишлоқ ҳаёти, коммунистик ахлоққа доир ранг-баранг темаларда мақолалар бериб бориш истагини билдирдилар.

Учрашувда «Совет Ўзбекистони» газетаси редактори У. Усмонов газетхонларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди.

М. КАРОМОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



• *Ўзбекистон ва жаҳон*

Китобга — олтин медаль

● ЯҚИНДА СОФИЯ ШАҲРИДА «ИНТЕРАРХ—89» МАВЗУИДА АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ЖАҲОН БИЕННАЛАСИ ЎТКАЗИЛДИ. БУ ЙИРИК ХАЛҚАРО АНЖУМАННИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ ВА ФАХРИЙ ДИПЛОМИ ТОШКЕНТЛИК МИДХАТ САГАДАТДИНОВИЧ БУЛАТОВНИНГ «IX—XV АСРЛАР ЎРТА ОСИЁ АРХИТЕКТУРАСИДА ГЕОМЕТРИК УЙҒУНЛАШУВ» КИТОБИГА БЕРИЛДИ. ЯНА ТЎРТТА КИТОБ АНА ШУНДАЙ ЮКСАК СОВРИНГА САЗОВОР БЎЛДИ. УМУМАН КОНКУРСГА ДУНЁНИНГ 32 МАМЛАКАТИДАН 138 НОМДАГИ КИТОБ ҚЎЙИЛГАН ЭДИ.



М. С. Булатов — Ҳамза номли санъатшунослик илмий-тадқиқот институти замонавий архитектура секторининг раҳбари, архитектура доктори, республикада хизмат кўрсатган бинокор. Меъмор жуда кўплаб конкурсларда қатнашиб, ғолиб чиққан.

Ўзбекистонда деярли бирон шаҳар йўққи, унда моҳир меъморнинг изи бўлмасин. Улар ўз архитектуравий ечимига кўра оригинал уй-жой биноси ёки маъмурий бино, фаввора ёхуд боғ ансамбллари бўлиши мумкин. Биргина Тошкентнинг ўзида Мидхат Сагадатдинович лойиҳаси асосида бунёд этилган ўнлаб меъморий иншоотларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, «Тошкент» меҳмонхонаси, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри, Бешёғоч майдонидаги уй-жойлар комплекси, «Пахтакор» стадиони, Анҳор соҳилидаги минорали уй-жой биноси, Комсомол майдонидаги фаввора, Комсомол кўлидаги боғ ансамбли шулар жумласидан.

Ленинград, Москва, Челябинск ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам унинг лойиҳалари асосида ажойиб кошоналар бунёд этилган. М. С. Булатов меъморчилик бўйича бир қатор асарларни яратиб чоп эттирди. Уларнинг кўпи жиддий ўқув қўлланмаси сифатида студентлар, аспирантлар ва бошловчи меъморларга хизмат қилмоқда.

Ҳозир Мидхат Сагадатдиновичнинг ёши саксондан ошган. Аммо куч-ғайратга тўла. У шу кунларда 1994 йилда нишонланадиган буюк мунажжим Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига атаб Самарқандда бунёд этиладиган Билимлар уйи лойиҳаси устида ишламоқда. Айни пайтда замонавий меъморчилик-шаҳарсозлик муаммолари устидаги илмий изланишларини давом эттиряпти.

Суратларда: 1. Улуғбек номли Билимлар уйининг макети. 2. М. С. Булатов. 3. Олтин медалга сазовор бўлган китоб.

В. КОВРЕЙН суратлари. (ЎзТАГ).

МАЪМУРИЙ БИНО ПОЛИКЛИНИКАГА БЕРИЛДИ

● Илгари Бўз район партия комитетига қарашли муҳташам бинода марказий район поликлиникаси жойлашди. Эндиликда бу ерда бино реконструкция қилингандан кейин бир сменада 250 беморни қабул қила оладиган ва профилактика бўлими бўлган поликлиника ҳизмати комплекси очилди. Мевали боғ ўртасидаги «юқори мартабали» меҳмонлар учун мўлжалланган собиқ меҳмонхона ҳовлисида физиотерапия кабинетлари, массаж бўлими, даволаш-физкультура кабинетлари бўлган саломатликни тиклаш маркази жойлашди. (ЎзТАГ).

КЎҲНА РИМ КЕМАСИ ТОПИЛДИ

РИМ, 14 август. (ТАСС). Кўҳна Римнинг бундан 2000 йил муқаддам Ўрта денгиз қаърига чўкиб кетган савдо кемаси топилди. Ана шу ноёб топилма ҳақидаги хабар икки йил мобайнида, яъни кечаги кунгача пинҳон тутиб келинди. Бундан мақсад хазина ишқибозларининг диққатини жалб этмаслик эди.

Археологлар группасига бошчилик қилаётган Донателла Сальви шанба куни журналистлар ҳузурида гапириб, ушбу кема яхши сақланганлигини айтди. Янги эрадан илгари тахминан 70-йил билан 50-йил оралиғида Сардиниянинг ғарбий қирғоғида ҳалокатга учраган денгиз қаъридаги ана шу кемага Сальви хонимнинг ўзи бир неча бор тушиб-чиққанидан кейин ана шу фикрни айтди. Бунн қарангки, ҳар бирининг вазни 30 килограммга борадиган 1000 га яқин қалайи ёмбилар ҳам сақланиб қолибди.

Ўша даврёмбилари солинган Рим кемаси Ўрта денгизда биринчи бор топилди, деб таъкидлади Д. Сальви. Бу топилма анча қимматлидир, чунки кўҳна цивилизация ҳақидаги билимларимизни кенгайтиришга имкон беради.

Ушбу кемани Италия божхона хизмати маҳкамасининг ғавослари 1987 йилда топган эдилар. Аммо кема турган ернинг аниқ географик координаталари ҳозиргача ҳам сир тутилмоқда.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Ўрток Валентин Иванович **ОГАРОК** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унн Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилди.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш жиддий муаммо бўлиб турибди. Кейинги йилларда республикамизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Махсус мухбиримиз М. Пирматов Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри ўринбосари Диловар Насимовна ҚОБУЛОВА билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Яқинда СССР Олий Советининг халқ соғлиғини муҳофаза этиш комитети соғлиқни сақлашнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун ярим миллиард инвалюта ажратди. Бу маблағлар, аввало болалар, диабет ва нафас қисиши ҳамда юрак-қон томирлари касалликларига ва бошқа оғир дардларга чалинган беморларни даволаш учун дори-дармон сотиб олишга шу йилнинг ўзида сарфланади.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1987 йилнинг август ойида Тошкентда бўлиб ўтган кўчма коллегиясидан хабарингиз бор. Министрлигимиз партия ва совет қарорларини, кўчма коллегия белгилаб берган вазифаларни оғишмай бажариш йўлларини изламоқда. Шу мақсадда биз ўз олдимизга туғуруқхона ва болалар муассасаларининг мод дий-техника асосларини жиддий яхшилаш вазифасини қўйдик. Ахир, болажон республикамизда ана шундай муассасалар қуришга атиги 40 фоиз эътибор берилаётганлиги, стационар ва амбулатория муассасалари қурилиши деярли эътибордан четда қолганлиги билан келишиб бўлармиди? Шу мақсадда бунёд этиладиган соғлиқни сақлаш бинолари қурилишлари қайта кўриб чиқилди. 1995 йилгача 12 минг акушерлик, 19 минг болалар даволанадиган, бир вақтда 68 минг киши қатнашга мўлжалланган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилиши мўлжалланмоқда.

Яқин йиллар мобайнида бу соҳадаги аҳволни бирмунча тузатишга эришдик. 400 дан ортиқ маъмурий бинолар соғлиқни сақлаш муассасаларига берилди. Саноат корхоналари, муассасаларда ҳам бу соҳа моддий-техника асослари билан мустаҳкамланаётир. Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети болалар поликлиникаси, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси туғруқхона, Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси эса аёллар консультациясини фойдаланишга топширишди. Кейинги икки йил мобайнида бундай бинолариннг пардози учун бир неча миллион сўм сарфланди.

Биз моддий асосларни яхшилаш билан биргаликда дори-дармонларнинг тўла таъминланишига ҳам эътибор беряпмиз. Туғуруқхона ва болалар муассасалари юмшоқ жиҳоз, мебеллар, медицина техникаси буюмлари билан таъминланяпти, Тошкент шаҳрида қуввати йилига 100, кейинчалик 300 миллионга етадиган бир марта уколга мўлжалланган шприцлар ишлаб чиқариш муассасасини бунёд этиш масаласи ҳам ҳал этилмоқда.

Бу республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари яхши йўлга қўйилганлигини билдирмайди, албатта. Замонавий бинолларга жойлашган муассасаларимиз ҳали оз. Уларнинг кўплари иссиқ сув билан таъминланмаган, канализация йўқ. Юқумли хасталиклар шифохоналарида ҳам шундай шароитларда ишлашга мажбур бўляпмиз.

«Саломатлик» комплекс программасида медицина-санитария қисмлари қурилишининг деярли 30 фоизи болалар ва хотин-қизлар учун бўлиши қайд этилганди. Аммо бу қарор айрим министрлик ва идоралар томонидан етарли қўллаб-қувватланмади. Хотин-қизлар кўп ишлайдиган корхоналарда бунга алоҳида эътибор берилса қўнгилдагидай бўларди. Бунинг устига болалик ва оналикни муҳофаза этувчи биноларни ўз вақтида қуриш планлари ора йўлда қолиб кетяпти. Пахтакор ва Дўстлик районларида туғуруқхона бўлими, Термиз шаҳрида болалар поликлиникаси, Гулистон шаҳрида хотин-қизлар консультацияси қурилиши бехад чўзилиб кетди. Самарқанддаги кўп профилли болалар касалхонаси қурилиши деярли ўн бир йилдан бери битмаётир. Ғалаба райони, Жиззах шаҳридаги болалар касалхонаси ва туғуруқхона ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш органлари оналар ва болаларга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш даражасини янада юқори кўтариш, медицина муассасаларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги иш самарасини ошириш, уларга ташкилий, методик раҳбарлик қилишни кучайтириш, бу муассасаларнинг ҳар бирида меҳрибонлик билан муомала қилинадиган вазиятни вужудга келтириш, беморларга нисбатан эътиборсизлик билан қарашнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам беришни таъминлаш учун интилмоқдалар.

— Ҳар бир шифокор олий ўқув юртини битиргач, Гиппократ қасамини қабул қилади. Лекин баъзи ўринларда ана шу қасамни қўпол равишда бузиш ҳоллари рўй беради...

— Гапингизда жон бор. Йирик шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам беморларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш, ўз вақтида ёрдам кўрсатишдан бош тортиш ҳоллари учраб турибди. Бу ҳақда партия ва совет органларига, оммавий ахборот воситаларига, министрлигимизга ҳам хабарлар тез-тез келиб турибди. Биз бундай ҳолатларни бутунлай қириш пайидамиз. Аммо, бу аввало ҳар бир шифокорнинг ва беморнинг ўзига боғлиқ. Баъзан айрим шифокорлар бу борада калтабинлик қилса, айни пайтда беморлар ҳам бундан қолишмайди, кўпроқ ўзи ёки фарзанди ҳақида жон куйдиришни исташади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида, аввало шифокорларнинг малакасини оширишга интилияпмиз. Юэлаб ходимларимиз Москва, Ленинград, Харьков, Тошкент шаҳарларида, бир неча область марказларида малакасини оширмоқдалар, медицинанинг сўнгги ютуқларини қунт билан ўрганмоқдалар ва ўз ишларида қўлламоқдалар. Болалар шифокорларини кўпайтириш борасида ҳам жиддий иш қилинмоқда. Шу сабабли бу йил ўтган йилдагига нисбатан 1000 нафар кўп йигит-қиз ўқишга қабул қилинди.

В. И. Ленин номли Совет болалар фондининг ишончли врачлари, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борганлигимиз қўл келмоқда. Ленинград педиатрия институти шу йилнинг март ойида Бухоро область соғлиқни сақлаш бўлими билан шартнома тузди. Ленинградлик олимлар, мутахассислар Бухорода тажриба алмашиш билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Ўз навбатида бухоролик шифокорлар ленинградлик ҳамкасбларидан иш ўрганмоқдалар.

Ленинград врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Ленинград шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси Бухоро ва Хоразм областлари билан яқиндан оталиқ ишларини олиб бормоқдалар. Бу борада областларимиздаги тажриба ҳам диққатга сазовор. Андижон давлат медицина институти Фарғона водийси областлари, Самарқанд давлат медицина институти Самарқанд ва Бухоро областлари, Тошкент давлат медицина институти Сирдарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРни оталиққа олганлар. Медицина илмий-тадқиқот институтлари ҳам ўз оталиғидаги область меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари студентларидан иборат 70 та санитария медицина отрядларини ташкил этди. Бу отрядларга 3 мингдан зиёд студент қамраб олинган. Улар атроф-муҳит мушкул бўлиб турган Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области шаҳар ва қишлоқларида уйма-уй юриб оналик ва болаликни муҳофаза этиш ишида фаол қатнашмоқдалар. Айни пишиқчилик палласида болаларнинг касалликка чалинишига йўл қўймаслик учун интилмоқдалар.

Кези келганда шуни айтиб қўяй, болалар учун бериладиган бепул медицина хизмати йилдан-йилга оширилмоқда. Бу йил 7 миллион сўмлик дори-дармон бепул берилса, келгуси йили бунинг учун 12 миллион сўм ажратилади.

— Куни кеча Андижон областидан медицина «Тез ёрдами» етишмаслиги ҳақида ташвишли хабар келди. Наманган областидан келган хатларда ҳам шу хусусда ёзилади...

— Бу соҳада ҳам нуқсонларимиз кўп. Республикамиз аҳолисининг қарийб 60 фоизи қишлоқларда яшайди. Бу эса қишлоқларда медицина хизматини янада яхшилашга ундайди. Бироқ кўпгина фельдшерлик ва акушерлик пунктлари телефонлаштирилмаганлиги, шу сабабли хомиладорларга, оғир хасталанган болаларга ўз вақтида ёрдам берилмаётганлиги билан келишиб бўлмайди. Устига устак кўпгина фельдшерлар ва ҳамшираларнинг билим савияси паст. Сурхондарё областининг айрим районларида уларнинг ўқиши ташкил этилмаган, Булунғур, Иштихон районидаги ўрта медицина ходимлари эса чақалоқларни қандай овқатлантириш йўлларини ҳам билмайдилар. Хуллас, иш ҳам кўп, нуқсонлар ҳам... Бугунги кунда одамлар орасида бўлиш ҳам қарз, ҳам фарз...

• *Мутасаддиларга очиқ хат*

ҚАЧОНГАЧА ЛОҚАЙДЛИК?

Редакциямиз «Мутасаддиларга очиқ хат» рубрикаси остида Бухородан ташвишли мактуб олди.

Сизларни безовта этар экан-миз, бунинг учун асос бор деб ўйлаймиз. Хабарингиз бўлса керак, бир неча йил-дан бери Бухоро, Самарқанд, Хива тарихий ёдгорликлари билан боғлиқ ночор аҳвол ҳақида матбуот саҳифаларида мунтазам бонг урияпти. Таъмирчилик учун ажратилаётган маблағларнинг қониқарсиз эканлиги, таъмир ишларининг талабга жавоб бермаётгани, устахоналардаги алмисоқдан қолган механизмлар билан ишлаш, сифатсиз ёғоч, хусусан, Бухоро иқлимини ҳисобга олмай цемент (ганч ўрнида) темирбетон, арматура, қайроқча, тўл, қора мумни (Бухородаги Абдуллахон Тимида ҳатто шлакаблокни ҳам ишлатишган) истифода қилиш ҳоллари содир бўлаётгани барчага аён ҳақиқат. Чунки, мазкур қурилиш материаллари лойиҳада кўрсатилган экан. Айниқса, қишда лойсувоқ, ганчкорлик, гишт терищ ишларини бажариш кекса, моҳир усталар кўрсатмасига хилоф. Уқувсизлик билан тузилиб тавсия этилаётган лойиҳалар билан биз қачонгача давлат пулини кўкка совуриб «таъмир» қиламиз?

Устахонада Бадиий кенгаш йўқлиги, таъмир устидан давлат назорати ўрнатилмаганлиги оқибатида Бухородаги XVI аср обидаси Саррофон ҳаммоми ишдан чиқди. Бу ёдгорлик халққа беминнат хизмат қилиб турган эди. Бухоро шаҳридаги 18 ҳаммомдан ёдгор бўлиб қолган ушбу учинчи ҳаммомни таъмирлаш баҳонасида батамом йиқитиб, «қайта қурмоқчи» бўлдилар. Эндиликда эса, бу XX аср «обида»си чала-чулпалигича, ўн йиллардан бери ўз лойиҳачиси, ўз устасини кутиб ётибди. Эски ҳаммомнинг мармар тошлари бугун кимнинг иморатини безаб турибди экан? Бу обидани йўқотганларга, талон-торож қилинг атрофидаги чорбог ва ёнидан ўтган водопровод қувури бошқа ташкилот қарамоғида. Ёдгорликларни ўраб олган, занг босган водопровод қувурларини, бесамар, кўп сув талаб қиладиган дарахтларни, обидаларни белигача кўмиб олган асфальт йўлни ва ниҳоят, обида ёнида савлат тўкиб турган ахлат хамбаларни музей-қўриқхона маъмурияти ўз ихтиёри билан тартибга сололмайди. Чунончи, водопровод қувурининг ёрилганлиги сабабли Абдуллахон Тими, Кокили Хурд, Заргарлар Тоқи ва бошқа обидалар бир неча бор жиддий зарар кўрди.

Ана шундай эгасизлик оқибатида ишлар ўлда-жўлда. Бизнингча, бундай ҳолга чек қўйиш керак. Музей-қўриқхона шаҳар ижроия комитети ё область ижроия комитети қошида бўлсин.

Бугунги кунда археологларнинг ўқувсизлиги, лоқайдлиги оқибатида қадимий Варахша шаҳри очиқ-сочиқ ётибди. Арк шимолий деворининг тарихий қиёфаси бузилган. Масжиди Калоннинг кун ботар девори қаттиқ шикастланиб, саккизта гумбази қулаш арафасида турибди. Ажабланарлиси шундаки, Бухородан топилаётган тарихий, қимматбаҳо буюмлар археологлар томонидан бошқа шаҳарларга олиб кетилмоқда. Ахир, бу ёдгорликлар Бухоро музейларини безаши мумкин эди-ку?

Тошкентдаги НИИ, «Меъмор» бирлашмаларидаги лойиҳачиларнинг ҳам ишлари сифатсиз. Ахир, машҳур Б. Н. Засыпкин, М. М. Плотникова, Г. А. Пугаченкова ва бошқа фидойи зотлар Бухорода маълум муддат яшаб, тарихий обидалар таъмири лойиҳасини тузиб, сўнг бошдан-охир иш устида бўлганларини эслайлик. Қадимги усталарнинг ўзи ҳам лойиҳачи, ҳам бинокор бўлишган-ку! Ҳар хил НИИлар, бирлашмаларни тугатиб, устахоналар қошида лойиҳачилар группасини ташкил қилишни бошлаш керак.

Кўплаб таниқли ёзувчи, шоир, олим ва жамоат вакиллари «обидаларни Бутуниттифоқ, область ё республика аҳамиятига молик» деб ажратиш нотўғри эканлиги хусусида матбуот орқали айтиб ўтдилар. Бу оқилона фикр, Америкадан келган сайёҳга Чор Минор ё Чўбоз гузарига борма, деб бўлмайди-ку! Ана шу «тақсимот» сабабли уларни таъмирлашга пул кам ажратилган.

Қадимий пасткўчаларга осилган газ қувурлари, палапартиш ўтказилган симёғочларни кўриб афсусланасан, киши. Модомики, шаҳар музей-қўриқхонага айлантирилган экан, унинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир иморати музейнинг қимматли экспонатидай ҳисобланмайдими? Бизнингча, республикамизда «Маданий ёдгорликларни асраш ва таъмирлаш давлат комитети»ни тузиш фурсати етди.

Зеро, шаҳар атрофидаги зовурларнинг кўмилганлиги сабабли Бухоро заминида зах сувлар юқорига кўтарилган. Исмоил Сомоний, Чор Минор, Нодир Девонбеги ансамбли, Чор Бакр, Мохи Хосса ва бошқа обидаларнинг аҳволи ғоят ташвишли.

Ҳатто шаҳар марказида туристлар маршрутига киритилган обидалар ҳам қишга тайёр эмас. Уларнинг томи устида тарновлар нотекис, хўжакўрсинга қўйилган, кўпида тарнов умуман йўқ, атрофи нишаб эмас. Қору ёмғир сувлари албатта обидалар тагига кетади.

Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш область ташкилотининг вазифаси фақат аъзолик бадалларини йиғиш-у, марка тарқатишдан иборат бўлмаса керак.

Биз бу хатда айрим мулоҳазаларимизнигина айтиб ўтдик, холос. Лекин Бухоро осори атиқалари биз айтгандан ҳам тубан аҳволда қолган. Бу гуноҳ — лоқайдлик, деб аталади. Бухоро тарихий қиёфасини келгуси инсониятга бекаму кўст етказиш учун ҳар бир киши, қолаверса, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари масъулдир. Биз улардан жавоб кутамиз.

Б. САЛОМОВ,
СССР Рассомлар уюшмаси аъзоси.

С. САЛИМОВ,
СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

З. ҚИЛИЧЕВ,
СССР Архитекторлар уюшмаси аъзоси.

Хатга турли касб эгаларидан яна 24 киши имзо чеккан.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
И. М. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича 1989 йил учун
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги — диалектик ва тарихий материализм, илмий коммунизм назарияси, фалсафа тарихи, илмий атеизм тарихи; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий билимлар тарихи; гражданлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; гражданлик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ;

сиртқи — илмий коммунизм назарияси, марксча-ленинча этика, илмий атеизм, дин ва атеизм тарихи, гражданлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; гражданлик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ, колхоз, ер, сув, ўрмон ва тоғ ҳуқуқи; табиатнинг ҳуқуқий муҳофазаси; жиноий ҳуқуқ ва криминология; ахлоқ тузатиш–меҳнат ҳуқуқи.

Ҳужжатларни топшириш муддати — 31 августгача (II давра).

Адрес: 700170, Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси, 9-уй, 6 қават.

●

СИРТДАН ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ САНОАТ ВА ГРАЖДАН ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

саноат ва граждан қурилиши ҳамда гидротехника иншоотлари ихтисосликлари бўйича сиртдан таълим олаётган студентлари учун

БАРЧА ФАНЛАРДАН КЎРСАТМАЛАР БЕРИШ СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1 КУРСДА — студентликка қабул қилингандан кейин 7 кун давомида;
2 ва 5-КУРСЛАРДА — 18 сентябрдан 24 сентябргача;
3 ва 6-КУРСЛАРДА — 11 сентябрдан 17 сентябргача;
4 КУРСДА — 25 сентябрдан 1 октябргача ўтказилади.

●

ЎЗБЕКИСТОН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЗООЛОГИЯ КОМБИНАТИ

3-номерли, қалинлиги 6мм. бўлган пўлат листлари;
қалинлиги 2 мм, бўлган ясиқ ҳолатда тайёрланган пўлат листлари;
қалинлиги 25 мм. 22, 20 мм бўлган ст. 40. ст. 3 пўлат листлари
совуқ ҳолда тайёрланган қалинлиги 0,8 мм дан 12 мм гача бўлган пўлат листларга

АЛМАШТИРАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Гагарин посёлкаси, 14-уй. Телефонлар — 90-16-45, 90-16-47, 92-06-41.

●

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТЕМИРЙЎЛ ТЕХНИКАСИ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Музейда энг эски ОВ паровозидан тортиб замонавий ВЛ 60 электровозигача бўлган ноёб экспонатлар жамланган.

Музей территорияси бўйлаб тор изли поезд ҳаракат қилади.

Музей адреси: Тошкент шаҳри, Вокзалолди кўчаси, 6-уй (1, 8, 9, 24, 26-трамвайларнинг «Вокзалолди» бекати; 1, 5, 8, 10, 17, 20-троллейбуслар, 2, 3, 16, 22, 40э, 55, 60э, 71, 81э-автобусларнинг «Марказий вокзал» бекати; метронинг «Тошкент» станцияси).

●

РЕСПУБЛИКА «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИ

ишлаб чиқариш ва жамоат бинолариннг вентиляция ва ҳавони кондициялаш системаларини янги қурилиш боралётганда, шунингдек капитал ремонт ва реконструкция олиб борилаётган пайтда лойиҳалаштириш, монтаж қилиш ва созлаш бўйича

ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Телефонлар — 33-62-51, 33-38-01, 33-36-41.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти коллективи шу институт ходими Р. Қодировага акаси

Раҳим ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04284. Б. — 188. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.